

O'ZBEKISTON
RESPUBLICAN
DAILY PRESS



**Ёшларинизни
АСРАЙЛИК!**

9-БЕТ

**СИНОАТЛИ
ДУНЁ БУ**



23-БЕТ

**«КАТЛАМА
УРАЛГАН ГАЗЕТА
БДИМАН ЧИҚМАДИ»**



16-БЕТ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ИИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 18 февраль, шанба • 7 (3641)-сон

**ЗАМОНАВИЙЛАШИБ
БОРАЁТГАН СОҲА**



Кўриқлаш хизмати ходимлари фаолияти билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишишингиз мумкин.



POSTDA-TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуч ҳафта учун
20-БЕТ

ИСТИҚБОЛЛИ УЧРАШУВ

Тошкентда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор Элчиси жаноб Ханс-Йоахим Кидерлен ўз вазифини бажаришга киришди. Сешанба куни — 14 февралда унинг илтимосига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов қабул қилди.

Узоқ давом этган ўзаро суҳбат чоғида Элчи ва Вазир икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорликларига тааллуқли қатор масалаларни муҳокама этишди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили қатнашди.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: қабул маросими.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.



Мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов қабул қилди. Вазир мулоқот чоғида мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимининг фаолияти, хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталди.

— Анча йил аввал имзоланган

келишувга мувофиқ ҳамкорлик қилиб келаётганингиздан жуда мамнунмиз. Хитой Халқ Республикаси билан гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига, диний экстремизм, сепаратизм ва халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги ҳам-жиҳатлик ўз самарасини бермоқда. Жиноятчи ҳудуд танламайди, ўз гараз мақсадини амалга ошириш учун ҳар қандай қабихлик-

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу алоқаларни янада кучайтириш, янги босқичга кўтариш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор Элчиси этиб тайинланган жаноб Юй Хунцзюнь республика Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Унга Хитой Халқ Республикаси элчихонасининг полиция атташеси Дай Сьюкуй ҳамроҳлик қилди.

да ривожлантириш, лозим бўлса, ўз ютуқларимиз билан ўртоқлашишга тайёрмиз, — дея таъкидлади Б. Матлюбов.

Элчи жаноблари Юй Хунцзюнь самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор этар экан, глобаллашиб бораётган жиноятлар, чунончи, халқаро терроризм, диний экстремизм ҳамда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашда Хитой Халқ Республикаси яқин ҳамкор эканлигини эътироф этди. Шунингдек, бу хусусда ўзаро ёрдамга тайёр эканликлари, Хитой-Ўзбекистон алоқалари янада мустақамланиб боришини айтди.

Мулоқот чоғида томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили қатнашди.

Ўз мухбиримиз.

ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, профилактика инспекторлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика хизмати самарадорлигини ошириш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш масаласига бағишланди. Вазир ўринбосари, полковник Оринбай Турдақов бу борада жойларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ХООБ бошлиғи, полковник Казбан Айманов сўз олиб, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишда овул ва маҳаллаларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг ролини ошириш муҳим эканлигини таъкидлади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маъ-

камаси раисининг ўринбосари Хайитбой Абдирахмонов ўртага ташланган масала ниҳоятда долзарб эканлиги, республика ҳукумати профилактика хизматини янада яхшилаш учун амалий ёрдамни аямаслигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКББ бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Валижон Тошматов фуқароларимиз мамлакатимизда турли вақтларда со-

дир этилган террорчилик ҳаракатларини унутмасликлари ҳаётий зарурат эканлиги, айниқса, профилактика инспекторлари бу борада катта масъулият ҳиссини туйишлари кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳақимбой Халимов, Нукус шаҳар ҳокими Жалғас Бердиханов, Нукус шаҳар ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Зулфия Дошкенова, Кўнғирот тумани ҳокими Парахат Қалимбетов, Мўйноқ тумани ҳокими Жарилқап Турсинбеков ва бошқалар ҳам фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдиришди.

Йиғилишда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Р. Қодиров сўзга чиқиб, профилактика инспекторларининг хизмат шароитини яхшилаш, уларнинг касб маҳорати ва жанговар тайёргарлигини янада ошириш замон талаби эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

ҲУДУДИЙ ЙИҒИЛИШЛАР

Сурхондарё вилояти Денов тумани ва Термиз шаҳрида ички ишлар идоралари профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари сардорлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳудудий йиғилишлар бўлиб ўтди.

Денов туманида ўтказилган тadbирга Денов, Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Сарийосиё ва Узун туманларидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул бўлган барча жамоатчилик вакиллари тақлиф этилиб, жойларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, терроризм ҳамда диний экстремизмга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш борасида профилактика инспекторлари билан жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Унда вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Акрам Шарофудиновнинг ҳисоботи тингланди. Шундан сўнг сўз олганлар жамоатчилик вакиллари ва профилактика инспекторлари ҳамкорликда қўлга киритган ютуқлар билан бир қаторда амалга оширилиши лозим бўлган тadbирлар ва юзага келган муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Йиғилиш Термиз шаҳрида Термиз, Ангор, Музработ, Шеробод, Бандихон, Қизилқум, Бойсун ва Жарқўрғон туманларидан тақлиф этилганлар иштирокида давом эттирилди.

Тadbирларда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ҳ. Ибрагимов иштирок этди ва тинчлик-осойишталикни сақлашда профилактика инспекторлари олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди.

Э. ТҮЛЯЕВ.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармасида мазкур Бош бошқарма раҳбар ва масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ветеринария бошқармалари бошлиқлари, ИИБ ППХ ва ЖТСББ карантин тadbирларини таъминлаш бўйича саф бўлинмаларига раҳбарлик қилиш бўлими ходимлари, шунингдек, ички ишлар идоралари карантин тadbирларини таъминлаш

Долзарб масалада семинар

бўйича саф бўлинмалари сардорлари иштирокида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда 2005 йил давомида республикада эпидемик-эпизоотик ҳолатни барқарорлаштириш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ветеринария хизматлари ва карантин тadbирларини таъминлаш саф бўлинма-

лари, соғлиқни сақлаш ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида бажарилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар муҳокама қилинди.

Семинар иштирокчилари республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси республика ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари

бўйича ихтисослашган лабораторияси ходимларининг янги иш услублари билан яқиндан танишдилар.

Кун тартибидagi масала юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этган нотиқлар қаторида республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ карантин тadbирларини таъминлаш бўйича саф бўлинмаларига раҳбарлик қилиш бўлими бошлиғи,

подполковник М. Мазанов ҳам сўз олиб, ўтган йил давомида республика камиз ҳудудида қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ўртасида ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эпизоотик ва эпидемик вазиятни барқарорлаштиришда жойлардаги ички ишлар идораларининг карантин тadbирларини таъминлаш

бўйича саф бўлинмалари томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларга тўхталди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ветеринария бошқармалари бошлиқлари ҳамда жойлардаги карантин тadbирларини таъминлаш бўйича саф бўлинмалари сардорларининг ҳисоботлари эшитилиб, хизмат фаолиятига оид муаммолар юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Д. ЗИЯМАТОВ,
подполковник.

Мен баъзан кўп жойларда саховатли, олийҳиммат юртдошларимиз ҳеч кимга овоза ва ошкор қилмасдан болалар уйларига, муҳтож оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсатиб юрганини эшитганда беихтиёр қойил қоламан.

И. КАРИМОВ.

Азалдан халқимиз савобли ишлар қилишга одатланган. Бугунги кунга келиб саховатпешалик яна ҳаётимиз тарзига айланди. Кўплаб юртдошларимиз мактаб, шифохона, болалар боғчалари кабилар қурилишига имкон қадар ёрдам беришарди. Ёлғиз, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатишарди. Ана шундай инсонлардан бири истеъфодаги подполковник Раҳмат ака Султоновдир. Раҳмат

уч километр йўл юрса, иккинчи қисми серкатнов автомобиль ҳамда катта темир йўлни кесиб ўтиб, Каманди қишлоғидаги, қолганлари эса Пармитон қишлоғидаги мактабларга қатнар экан.

Ота-оналарни ана шу ташвишлардан аритиш, жажжи болакайларнинг узогини яқин қилиш учун Раҳмат ака ўтган йили хайрли ташаббус билан чиқди. Туман ҳокимлиги ташаббусни қувватлагач, мақсад йўлида тамал тоши

САХОВАТПЕШАЛИК - ИНСОН ЗИЙНАТИ

ака Султонов Қарши туманидаги Лағмон қишлоғида таваллуд топган, 64 ёшда. Ички ишлар идораларида отаси каби 31 йил ҳалол хизмат қилди. Кўплаб шоғирлар етиштирди. Икки ўгли ҳам ота касбини танлаган, қизлари эса ўқитувчи. Ҳозир у Қарши туманидаги «Янгиобод» маҳалласининг оқсоқоли.

— Одамлар қувончи ва ташвиши билан яшаш менга ҳузур бағишлайди, — дейди Раҳмат ака: — Ўзим ҳақимда гапириб нима қиласиз, маҳаллам ҳақида эзинг.

— Раисимизга тинчлик бермайдиган бир эзгу ишни яқунлашга кўмак берсангиз янги бўларди, — дейди етмиш ёшли Муҳтарам ая Сафарова. Онахоннинг айтишича, Қозикенти ва Янгиобод қишлоқ болалари аёзли кунларда мактабга бориш учун кўп азият чекаркан. Айниқса, бошланғич синфларда ўқийдиган болакайларнинг бир қисми Лағмон қишлоғидаги мактабга бориш учун

қўйилди. Ташландиқ бино қисқа фурсатда Раҳмат аканинг йиққан маблағи ҳамда ҳамқишлоқларининг ҳиммати билан яхшигина таъмирдан чиқарилди. Ҳозир хоналарга ёриткичлар ўрнатиш ҳамда иситиш тизимини ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда. Мактаб ишга тушса, бошланғич синфларга борадиган 300 нафар ўқувчи икки сменада таҳсил ола бошлайди. Раҳмат ака хайрли ишини Наврўз байрамига қадар ниҳоясига етказиш ниятида. Раҳмат аканинг хайрли бу ташаббусига вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари ҳам кўмак беришга тайёр. Бинонинг ён атрофларини ободлаштириш, кўкаламзорлаштириш, болалар учун ўйингоҳ барпо этиш ишлари маҳалла аҳли ва Раҳмат аканинг ҳиммати билан бажарилишига шубҳа йўқ.

Б. ЭРГАШЕВ,
лейтенант.

МАСЪУЛИЯТЛИ ИНСПЕКТОР

Жалолқудуқ тумани ИИБга туманда яшовчи, 23 ёшли Жамолиддин Камолитдинов устидан шикоят хати келиб тушди. Унда баён этилишича, Ж. Камолитдинов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этган эди. Зудлик билан суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Афсуски, Жамолитдин аллақачон жуфтакни ростлашга улгурган экан. Ички ишлар ходимлари уни қидиришга киришдилар. У уйда ҳам, туман ҳудудида ҳам йўқ эди. Қидирув ишлари тобора авж олаверди.

Бу орада олти ой вақт ўтди. Профилактика инспектори, катта лейтенант Хусанбой Йўлдошев ўз ҳудудида яшовчи Жамолитдинни излаб топishi бўйича барча чораларни кўрди. У гумондорнинг оила аъзолари билан мунтазам алоқада бўлиб турди. Таажжубланарлиси, яқинларидан бирортаси йигитнинг бедарак йўқолганидан ташвишланмас эди. Бу эса ходимда шубҳа уйғотди. «Ота-она ўз фарзандининг қочиб кетишидан ташвишланмаётган экан, демак унинг қаердалигидан хабардорлар. Нима қилиш керак? Кузатишдан ўзга чора йўқ» уйлади у. Ана шундай кузатишлардан бирида профилактика инспектори Жамолитдиннинг уйига дўстлари бораётганини кўриб қолди. Балки, улар бедарак кетган дўстларидан ташвишланиб, ҳол-аҳвол сўрагани ташриф буюришар? У

ҳолда нега соатлаб ўтиришарди?

Уша кеча жўралар ярим тунда тарқалишди. Х. Йўлдошев уларни кузатиб қўйганлар орасида Жамолитдинни кўрмади. Барибир унинг ота-онасига учраб, бу ташриф боисини суриштириши керак.

— Уғлимдан хавотир олиб келишибди, — кўрлик билан жавоб берди Жамолитдиннинг отаси.

— Шундай денг? Уғлингиздан ҳалиям дарак йўқми?

— Бўлганида сиз ҳам билардингиз, тўғрими? Профилактика инспектори индамай ортига қайтди. Унинг миясини чарчлаётган фикрлар тинчлик бермасди. «Ҳол-аҳвол сўраш учун келган жўралар нега ярим тунгача ўтиришди?» У ортига қайтиб, Жамолитдин яшайдиган уйнинг орқа томонига ўтди ва уини кузата бошлади. Ҳовли девори билан ўралмагани боис, уй ичига кўришиб туради. Бирок хонадонни эрталабгача кузатишига тўғри келди. Жамолитдин уйда бўлса, ташқарига чиққан пайтда уни кўриш мумкин. Сабр қилмай кетиб қолса яна жуфтакни ростлаб қолиши мумкин. Унинг кўнгли сезган экан. Тонг саҳарда остонада Жамолитдин пайдо бўлди. Шундай қилиб, жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрган Ж. Камолитдинов кўлга олиниб, тергов идораларига топширилди.

Катта лейтенант Хусанбой Йўлдошев фаолиятида бу каби мисолларни кўплаб келтириш

мумкин. Унинг тиришқоқлиги, изланувчанлиги, ўз касбига масъулият билан ёндошиши туфайли ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Хусанбой Йўлдошев ички ишлар идораларида беш йилдан буён хизмат қилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Жалолқудуқ тумани ИИБ ҚООБ катта инспектори, капитан Илҳомжон Қобулов. — У ўзининг ибратли жиҳатлари билан биз, сафдошларига ҳамиша ўрнак. Шу боис ҳам унинг ҳудудида жиноят содир этилиши йилдан-йилга қамаймоқда.

Хусанбой Йўлдошев қидирувдаги жиноятчини излаб топishi, уни терговга жалб этишдаги фаолияти учун раҳбариятнинг мукофоти билан тақдирланди. Унинг учун эса муҳими бу эмас. Асосийси, жабрдийда бир кимсаннинг ноўрин жабрланишига сабаб бўлган воқеага нуқта қўйилишидир.

Катта лейтенант Хусанбой Йўлдошев туманининг 6,5 минг дан ортик аҳолига эга бўлган Т. Тошмагов номли ширкат ҳўжалигини айланар экан, ҳудуддаги тинчлик-осойишталикдан кўнгли тўлди. Бирок бу хотиржамлик дегани эмас. Зеро, профилактика инспектори хотиржамликка берилар экан, бу жиноят қилишга мойил кимсаларга қўл келиши ҳеч гапмас. Буни ҳис этган Х. Йўлдошев кечакундуз хизматда.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ЗАМОНАВИЙЛАШИБ БОРАЁТГАН СОҲА



Бугунги кунда Тошкент шаҳар ИИББ ҳузурдаги қўриқлаш бошқармаси тизимидаги бундай тезкорлик қўриққа олинган мол-мулкларни кўз қорачигидек асрашда қўл келаяпти. Бошқа томондан маз-

кур хизматга турли мулк шаклидаги корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда хонадон соҳибларининг ишончи ортиб боришига асос бўлмоқда. Бошқармада қайд этилаётган рақамлар ҳам бунинг исботидир. Масалан, ўтган йили 2995 та объект қўриққа олинган бўлса, 2006 йил январь ойининг ўзида яна 296 та қўшилди. Шу давр ичида 7024 та хонадон марказий қўриқлаш пултига уляниб, 467 минг сўмдан ортик товар-моддий бойликлар ушлаб қолиниб, ўз эгаларига қайтарилди.

— Бизга ишониб топширилган объектларни ишончли қўриқлаш, ташмачилик, ўғирлик ҳолатларига йўл қўймаслик, бошқа хизматлар билан ҳамкорликда қонунбузарлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни фош

этиш асосий вазифаларимиздир, — деди бошқарма бошлигининг ўринбосари, полковник Неъматжон Тохтаев. — Ходимларимиз хизмат пайтида асосий эътиборни зиммаларидаги бурчни сидқидилдан адо этишга қаратишарди. Маскандарда ҳушёр туриб, бирор жойдан ташвишли хабар тушса, тезкорлик билан иш кўришади. Бу эса ўз самарасини бермоқда.

Жойларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида дастлаб Юнусобод тумани ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлимига қарашли марказий қўриқлаш пултига ташриф буюрдик. Ходимлар «Атлас 20» русумли замонавий қурилмадан фойдаланиб, иш кўришаётган экан.

— Ушбу қурилма жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бериши билан аҳамиятлидир — деди қўриқлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, майор А. Эгамбердиев. — Олдингидан афзаллиги шундаки, унинг хотирасига 5 мингга яқин объектни киритиш мумкин. Ҳозирда туман ҳудудидаги кўплаб иншоот, корхона ва ташкилотлар мана шу пулт-

га уланган. Операторлар Н. Гулякина ва А. Батаргиновлар ҳар бир хабарни қайд қилиб, қўлга олиш тезкор гуруҳига маълум қилишарди.

Масалан, шу йил 11 февраль куни вақт ярим тундан ошганда тумандаги 5-мавзе, 8-уй ертўлида кимдир телефон кабеллини кесгани тўғрисида хабар тушди. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник А. Ибрагимов, майор А. Эгамбердиев, қўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан Х. Мамановлардан иборат тезкор гуруҳ зудлик билан воқеа жойига етиб борди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қонунбузар А. Зарип ушланди. Бундай мисолларни халқ мол-мулкни асрашни шарафли вазифа деб билган ходимлар фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Ана шундай фидойилар бор экан, фуқароларнинг мол-мулкidan кўнгли тўқ.

Учтепа туманида бўлганимизда туман ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор М. Халилов шундай деди:

— Ҳудуддаги объектлар ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқаро-

лар хонадонларини қўриққа олиш ҳамда корхона, ташкилотлардаги дебитор қарзларни ундириш бўйича уюштирилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқдамиз.

Яқин кунларда Чилонзор даҳаси 30-мавзела 3-марказий қўриқлаш пултига очилиши кутилмоқда. Ҳозирда Чилонзор даҳаси 30, 31-мавзелари ва Ўрикзор даҳасидаги «Карвон» бозорида жойлашган барча иншоотларни қўриқловга олиш чоралари кўрилаяпти.

Соҳа ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бирга ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини

олиш, содир этилган жиноятларни фош этишга ҳам муносиб ҳисса қўшишарди. Ана шундай сатъ-ҳаракатлар туфайли, 2006 йилнинг бир ойи давомида 64 та жиноят очилишига эришилди. Ўзгалар мулкни ўғирлаган, талончилик, босқинчилик ва безорилик қилган 15 нафар шахс ушланиб, ички ишлар идораларига келтирилди.

Пойтахтимизнинг турли гўшаларида бунёдкор халқимиз томонидан барпо этилган ва этилаётган бинолар, турли хил иншоотлар, таълим муассасалари, тадбиркорлик объектилари ва хонадонларни қўриқлаш ишончи қўлларда эканлигидан ўзимизни хотиржам ҳис этамиз. Бу эса фуқаролар тинч, осуда ҳаёт кечириб, юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишида муҳим омилдир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

Суратларда: соҳа ходимлари хизмат пайтида.



Энг муҳим мақсадимиз маҳаллада профилактика инспекторлари сонини кўпайтириш, маҳалла аҳли билан ишлаш, маҳаллага таяниш. Республикамизнинг барча қишлоқларида, овулларида, бошқача ибора билан айтганда, «одам оёғи етмаган» энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам профилактика инспектори бўлишига, шу ердаги халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, гами ва ташвишлари билан яшашига эришиш лозим. Токи халқ олиб борилаётган ишлардан ишонч ҳосил қилсин ва бизнинг қишлоққа ҳам профилактика инспектори етиб келди, деб гапирадиган бўлсин.

И. КАРИМОВ.

РАСМИЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ УЧРАШУВЛАР

электр таъминоти идоралари раҳбар ходимларининг чиқишлари ҳам ташкил этилди. Ҳисобот даврида республика бўйича 9541та маҳалларда, шунингдек, 3667та корхона ва ташкилотларда, 3680 та ўқув муассасаларида профилактика инспекторлари аҳолига ҳисобот бериб, ушбу учрашувларда

этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар, хонадонлар, мол ўғирликларининг олдини олиш мақсадида уларни келтириб чиқараётган шароитларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш, бунинг учун эса аввало, ўқимаётган ва бирор жойда ишламаётган вояга етмаганлар билан олиб борилаётган

сардори А. Маҳмудов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи С. Шариповаларнинг ҳам ҳисоботи тингланди. Тадбирда иштирок этган туман ҳокимлиги вакиллари, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари аҳолининг ижтимоий муаммолари билан боғлиқ саволларга жавоб бердилар. Бувайда туманидаги «Пошшошопирим», Қува туманидаги «Маъдан» маҳалласи фуқаролар йиғинларида ташкил этилган учрашувлар ҳам очиқ мулоқот тарзида ўтди.

Хоразм вилоятидаги маҳалла, корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида уюштирилган тадбирларда милиция таянч пунктларини тўлиқ жиҳозлаш ҳамда улар атрофида кичик бизнесмарказлар ташкил этиш, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган инфратузилмалардан унумли фойдаланиб, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар имкониятидан унумли фойдаланиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳисобот йиғилишлари Наманган вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келаётган маҳкумларни ижтимоий ғимоялаш, хотин-қизлар ўртасида қайд этилаётган жиноятларнинг олдини олиш каби масалалар, шунингдек, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ҳамда корхона, ташкилотлар томонидан ойлик маош билан таъминлашда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар учрашувлар чоғида атрофлича муҳокама қилинди.

Масалан, 30 январь кун Наманган шаҳри «Мус-

тақиллик» маҳалласида ўтказилган ҳисобот йиғилишида, Амнистия тўғрисида жазодан озод этилган Қобил Носиров ва Зокир Тожибоевларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи кўриб чиқилиб, уларга мураббийлар бириктирилди. Қ. Носиров новвойхонага ишга жойлаштирилди. З. Тожибоев 3-гурӯҳ ногирони бўлгани учун 33.000 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шаҳардаги Р. Мўмин номли маҳаллада ўтказилган йиғилишда ҳудудда мунтазам электр токи узиб қўйилиши, «Янги қурилиш» маҳалласидаги янги солинган уйларда газ ва сув таъминоти яхши эмаслиги, Тўрақўрғон тумани «Гулқишлоқ», «Олчин», «Мозоркўҳна», «Зарбдор» маҳаллаларида газ босими пастилиги, Чуст туманидаги «Баймоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмагани, бу эса аҳоли норозилигини келтириб чиқариши мумкинлиги айтиб ўтилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳокимликлар томонидан алоқадор муассаса, ташкилот, идораларининг раҳбарларига топшириқлар берилди.

Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам профилактика инспекторларининг ҳисоботи юқори савияда ўтди. Ушбу тадбирларда яшаш манзиллари бўйича милиция таянч пунктларига бириктирилган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий аппарати ходимлари, ички ишлар бошқармаларининг раҳбарлари иштирок этиб, қимматли маслаҳатлар беришди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳисоботлар туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалла ва овулларда аҳолининг профилактика инспекторларига нисбатан муносабати ўзгаргани, ўзларини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишда уларга суянишаётганини намён этди. Бу эса ўз навбатида жойларда тинчлик, осойишталикни таъминлашга масъул бўлган ходимлар халқ дарди ва ташвиши билан яшаётгани, ўз бурчига содиқ қолиш учун бор билими, маҳорати ва куч-ғайратини аямаётганини кўрсатмоқда.

Сабдулла ШОДИЕВ.

Ҳозирда профилактика хизматида талаб ошиб бораётган бир пайтда ушбу соҳа ходимларининг амалга ошираётган ишлари бўйича аҳоли ўртасида ҳисоб бериб, келгуси режаларни белгилаб олиши муҳимдир. Бошқа томондан, бу профилактика инспекторлари билан кенг жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ишончини қозониш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамият касб этади. Ана шулар ва бошқа жиҳатлар эътиборга олиниб, республика



Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани «Ҳаким ота» маҳалласидаги 4-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Курмонғазӣ Ундалиев.

Ички ишлар вазирининг кўрсатмасига биноан шу йил 15 январдан 15 февралга қадар жойлардаги милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботлари тингланди. Таъкидлаш жоизки, ҳисобот йиғилишлари жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳоли мол-мулклари дахлсизлиги, осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштирига эътибор берилди. Шунингдек, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, маҳалларда истиқомат қилиб, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган шахсларни тўғри йўлга қайтариш, уларни тарбиялаш, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган маҳкумларни ижтимоий ғимоя қилиш, аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Дикқатга сазовор томони, кейинги йилларда профилактика инспекторларининг халқ

билан учрашиб, ўз фаолиятини сарҳисоб қилиши тобора такомиллашиб бораётгани кузатилмоқда. Яъни, тадбирлар ҳар қандай расмиятчиликдан ҳоли, яқдиллик, ҳамжиҳатлик, ошқора мулоқот тарзида ўтаётди. — Бу гал аввалгиларидан фарқли ўлароқ, маҳалларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қилаётган маҳалла посбонлари сардорлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ҳам ҳисоб беришди, — деди республика ИИВ ҲООББ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Аъзамхўжаев. — Шунингдек, мазкур учрашувларда аҳолининг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш, фуқароларда норозилик кайфиятларининг олдини олиш мақсадида шаҳар, туманлар савдо, соғлиқни сақлаш муассасалари, газ, сув,

кўплаб масалалар ва муаммолар ўртага ташланди. Айтилик, Жиззах вилоятида ўтказилган тадбирларда вилоятнинг чегара туманларида фуқаролар ҳушёрлигини ошириш, нафақат ушбу ҳудуд, балки республикада содир этилиши мумкин бўлган турли кўринишдаги террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, ғараз мақсадли шахслар аҳоли онгига турли кўринишдаги ақидапарастлик, диний-экстремистик оқимлар таълимотини сингдиришига йўл қўймасликка кўпроқ эътибор қаратилди. Учрашувлар чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва ҳокимликларнинг вакилларига фуқароларни қизиқтирган 1005 та, қонунбузарликлар бўйича эса 265 та савол тушди. Ҳал этилиши лозим бўлган масалалар тегишли идоралар томонидан назоратга олинди. Бундан ташқари, қишлоқ ва маҳалларда содир

ишларни жонлантириш, муқаддам судланган шахсларнинг турмуш тарзини алоҳида назоратга олиш зарурлиги, бунда фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан таклифлар киритилди.

Фарғона вилояти Ёзёвон тумани А. Халилов номли маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот йиғилиши айниқса, ошқора руҳда ўтди. Профилактика инспектори, капитан Равшанжон Ҳамдамов йил давомида олиб борган фаолияти тўғрисида гапирар экан, маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик самараси ўлароқ, масқанда биронта жиноят содир этилишига йўл қўйилмаганини таъкидлади. Шунингдек, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси



Сирғали тумани «Нўғайқўрғон» маҳалласи посбонлар сардори Бахтиёр Тошматов (ўнгдан), профилактика катта инспектори, катта лейтенант Пулат Кўрғонбоев, маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раисаси Зумрад Муродова ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи Хайриқисо Шакарвалар.

АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Маънавият, маърифат ҳақидаги қарашлар ва таълимотлар ҳеч қачон ривожланишдан тўхтаган эмас, тўхтамайди ҳам. Инсониятнинг ақл-идроки ва тафаккури ҳар доим ривожланиб, такомиллашиб, ўтмиш даврларга нисбатан бойиб, юксалиб боради. Бу – инсоният маданий тараққиётига хос бўлган қонуниятдир.

«Маърифат – халқнинг, миллатнинг кўзини гафлат уйқусидан очади, унга руҳий-маънавий куч-қувват беради. Маърифат халқни маънавий таназзулдан қутқаради, кўрқув ва ҳадиксирашни бартараф этади, инсонга мислсиз салоҳият ато этади», – дейди буюк олим ва маърифатпарвар Абдурауф Фитрат.

Фитрат ўз педагогик қарашларида болаларни баркамол қилиб вояга етказиш учун унинг тарбиясига фақат оилагина эмас, бутун қавму аъзолари ҳам жавобгар эканлигини уқтиради. Чунки ёшлар ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб тарбияланса, қавмнинг келгуси тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз эканлиги айтилади.

Инсоннинг камолотга етиши учун бадантарбия муҳим аҳамиятга эга эканлиги, унинг бутун аъзоси саломат ва қувватга эга бўлмаса, узоқ яшамаслигини қайд қилади. Болаларнинг илм олиши билан бирга, уларнинг бадантарбиясига аҳамият бериши лозим. Бола дунёга келган кундан бошлаб унинг саломатлигини оналар муҳофаза қилиши керак.

Фитратнинг фикрича, инсон ҳаётининг мазмуни дунё саодати ва саодат раҳбари – ақлнинг комиллигига эришишдир. Комил ақлнинг ҳосил бўлиш воситаси эса илмдир. Инсон комилликка эришиш учун маълум ахлоқий, яъни маънавий, оилавий ва инсоний мажбуриятларни адо этмоғи лозим бўлади. Инсон ўзига ва барча одамларга фойда келтирса, унинг қалби камолга етган ҳисобланади. Кимнинг қалби яхши сифат ва фазилатларга тўлиқ бўлса, у одам хушахлоқ ҳисобланади.

Адибнинг уқтиришича, инсон қалбида уч хил қувват: ақл, ҳирс ва ғазаб қуввати мавжуддир. Бу уч хил қувватни эгаллаш учун ҳар бир киши эзгу ишлар билан шуғулланиши, яхши сифатларни эгаллаб, хушахлоқ бўлмоғи лозим.

Фитрат ахлоқий фазилатларни тўрт қисмга, ҳикмат (донишмандлик, ифрат, шижоат ва адолат)га бўлади. Унинг таъкидлашича, ҳикмат ақлий қувват ислоҳининг натижасидир. Ақл ислом динида ҳам энг шарифдир. Инсон ақлнинг раҳбарлигисиз саодатга мушарраф бўла олмайди.

Фитрат болаларнинг олган билимлари устидан тўғри муҳокама ва хулоса чиқари

ришларига тўхталар экан, уларни муҳокама қилишга одатлантириш кераклигини баён этади. Болаларга ёмоннинг ёмонлигини, яхшининг яхшилигини муҳокама орқали тушунтириш керак. Фитратнинг таъкидлашича, болалар камчиликка йўл қўйган бўлсалар, унга яхши сўз билан тушунтирилса, яхши одатларга йўналтирилса, кишиларга нисбатан ҳурматлари ошади, қабих ишларни қилишдан узоқлашадилар ва ҳурматли инсон бўлиб етишадилар.

Фитратнинг фикрича, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлмоғи учун, у соғ-саломат, соғлом фикрли ва пок ахлоқли бўлмоғи керак. Ҳар бир миллат ўз келажagini ўйлар экан, ёшларга эътиборини қаратмоғи, уларни ёшлигида ноқ жисмоний, ақлий, руҳий томондан чиниқтирмоғи лозим. Фитрат бу масаллада, яъни фарзанднинг баркамол бўлиб етиши учун ота-она, барча жамоа, жамият қайғурмоғи зарурлигини таъкидлайди.

Фитрат болаларнинг соғлом бўлиб ка-




Аммо болаларнинг ўйинлари одоб ва ахлоқ доирасидан чиқмаслиги керак. Мактаблардаги ўйинлар эса, илмийлик йўсинда, болаларни тўғри тарбиялашга асосланган бўлиши лозим.

Фитрат тозалик ва покизаликни саломатликнинг гарови деб ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, бу икки хислат болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Тозалик ва покизалик катталар учун қанчалик лозим бўлса, кичик болаларга улардан кўра ўн баробар зарур. Чунки болалар катталарга нисбатан олдинроқ хасталикка мойилроқ бўлади.

Шунинг учун болалар ёшликдан бошлаб покизаликка ўргатилиши керак. Ахлоқий тарбия учун юқоридагилардан ташқари яна бир катта шарт мавжуддирки, аввал ўша шартга риоя қилиш лозим, яъни болалар ахлоқ тарбиясини олдинроқ ўзи яшаётган атроф-муҳит ва кўчалдаги болалардан оладилар.

Болаларга ахлоқдан сабоқ беришнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, Фитрат бу ишда бир нарсани – болалар дастлабки ахлоқий тарбияни оиладан ва ўзини ўраб турган атроф кишиларидан олишини унутмасликни таъкидлайди.

Болалар сувга ўхшайдилар. Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай ахлоқ ва одатини қабул қилади-



Қатагон қурбонлари хотирасига ўрнатилган рамзий қабртош.

Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» хиёбони.



Кўнгини юртдошларимиз қатори Фитрат ҳам «Бўзсув» канали бўйида қатл этилган.



АСАРЛАРИ

асари бўлмиш «Раҳбари нажот» шулар жумласидандир. Асар 1915 йилда Истанбулда форстожик тилида босмадан чиқадди. Фитрат бу асарида ҳам миллий ва маънавий тараққиётга эришиш, дунёвий фанларни ўрганишга даъват этади. Адиб асарнинг учинчи бобида оила, бола тарбияси, ахлоқ-одоб ҳақида фикр билдиради, оила вазифаларидан энг муҳими, авлоднинг тарбиялашдан иборат эканлигини таъкидлайди.

Фитратнинг илмий-фалсафий мероси гўяда бой, хилма-хил ва чуқур маънолидир. Ундан халқимизга «Шарқ сиёсати», «Ўзбек классик музыкаси», «Туркистонда руслар», «Ҳинд ихтилофчилари», «Ҳинд сайёҳи баёоти», «Юрт қайғуси», «Ўғизхон», «Арслон», «Сайха», «Қиёмат», «Чин севги», «Адабиёт қоидалари» ва бошқа асарлари, драмалари, шеърӣ рисоалари, бир қанча таржималари бебаҳо маънавий бойлик сифатида қолган. Атоқли аллома, маърифатпарвар, педагог Абдурауф Фит-

ратнинг қатор асарларида таълим-тарбия, мактаб-маориф ишларини юксалтириш тўғрисидаги ғоялар устуворлик қилади. Адиб асарларининг қиммати ва бугунги кун учун амалий аҳамияти ана шунда кўринади. Абдурауф Фитрат ўз асарларида таълим-тарбия ва унинг мақсадлари, мактаб-маориф ишлари, билим бериш усуллари ҳамда воситалари ҳақида, маърифатли инсонни тарбиялаш йўллари тўғрисида алоҳида тўхталган. Йирик фалсафий, ахлоқий, педагогик ва публицистик

лар. Маданиятли миллат бўлиши учун болаларнинг ахлоқ тарбиясига катта аҳамият бериш кераклигини қайд этади. Фитрат ахлоқий тарбияда, аввало, ота-она ва муаллимларнинг ўзлари гўзал ахлоқли бўлишлари зарурлигини айтади. Мактаблардаги бадахлоқликда машҳур бўлган болалар хусусида тўхталиб, агар уларни тузатишнинг иложи бўлмаса, мактабдан четлаштириш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблайди. Токи уларнинг ёмон хулқлари бошқаларга ўтмасин учун шундай чорани кўриш.

Миллат тинчлиги ва равнақи ҳар қандай қадриятлардан улуғдир. Одамлар қандай дин, маъзаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар, бир отанинг фарзандларидирлар. Шунинг учун, улар ўзаро аҳил бўлмоқлари керак.

ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухорода савдогар оиласида таваллуд топган. Отаси Абдурахим боёй ўқимшили, дунёвий воқеалардан хабардор киши бўлган. Онаси Мустафбиби ҳам савводли, фарзандлар таълим-тарбиясига катта эътибор берадиган аёллардан эди. Шунинг учун ҳам улар Абдурауфнинг илмий бўлишига катта эътибор берганлар. А. Фитрат 1909 йилда Бухоро Мунавварларининг «Хайрия жамияти» кўмагида Истанбулга ўқишга бориб, тўрт йил таҳсил олади. Ўз даврининг етуқ маърифатли кишилари қаторидан ўрин олади.

ВАТАНПАРВАРЛИК ХИСЛАТЛАРИ

Фитрат Ватанни севади, у билан фахрланди, уни ҳар нарсадан муқаддас тутди ва ёшларни Ватанни севишга, ардоқлашга чорлайди. У ёшларга хитоб қилиб, уларни шу Ватан ва миллат саодати, бахти, равнақи учун фидойилик кўрсатишга, жасоратли бўлишга даъват этади:

Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзингда,
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқидим.
Уйлашингда, турмушингда ҳамда ўзингда,
Бу юрт учун қутулишинг борлигин кўрдим.
Турма-югур, тинма-тириш, буқилма-юксал.
Хуркма-кураш, курашма-ёпиш,
йўғрилма-қўзғол.

Фитрат Ватаннинг равнақ топиши учун дунёвий илмларни эгаллашга даъват этади, бу йўлда ўзи фидойилик намунаси бўлади.

Абдурауф Фитрат ўзининг илмий, адабий, маърифий асарларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ғояларни баён этди, маърифатни кенг ёйишни ўзининг виждоний бурчи деб билди. Ватан равнақи, халқ, миллат озодлиги, фаровонлиги учун курашди. Унинг ватанпарварлик, халқпарварлик, илм-фан тараққиёти ҳақидаги ғоялари ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятининг қарор топиши учун демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосий вазифа этиб белгиланган. Фуқаролар жамиятини қуриш учун эса бир қанча ишлар амалга оширилиши зарур. Шулардан бири фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқий кафолатини таъминлашдир. Чунки демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда инсоннинг жамиятдаги мавқеи асосий ўрин эгаллайди.

Қадим-қадимдан халқимизда инсонга ҳурмат ғояси кишилар онига сингдириб келинган. Бу ғоялар асосида инсонпарварлик ётади. Инсонни ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш табиатида хос хислатдир. Бу қадимий қўлёзмаларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, «Авесто»да инсон яхши фазилатларга эга бўлиши билан бирга, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши, ҳуқуқини ҳурмат қилиши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши Қуръони каримда ҳам баён этилган. Инсон азиз ва мукаррам, барча мавжудотларнинг олийси ва улғу фазилатлар эгаси сифатида эъзозланади. Уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғояси етакчилик қилади.

Мустақилликка эришилгандан кейин қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидаги барча муҳим қоидаларни, жумладан, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ўз ичига олган.

Ижтимоий ҳуқуқ деганда, фуқарога маълум шароитда давлатдан муайян моддий ёрдам олиш имконини берадиган конституциявий ҳуқуқни тушунаемиз. Конституциясида ижтимоий ҳуқуқнинг қуйидаги турлари белгилаб берилган: ижтимоий таъминот, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш, турар жойга эга бўлиш, ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш, ижтимоий сугурта ҳуқуқлари.

Инсон дунёга келиши билан ўз ҳаётини давом эттириши, яшаши учун маълум даражада ўзининг моддий, маънавий эҳтиёжини қондириши зарур. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларга, яъни вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар, кексалар, ёлғизларга иккинчи шахс кўмағига зарура-

ти туғилганларга давлат, ташкилотлар ва фуқаролар ёрдам беради.

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас», деб баён этилган.

Ижтимоий таъми-



нотта муҳтожлар давлат томонидан белгиланган тартибда моддий ёрдам олишяпти. Ундан ташқари қадим-қадимдан давом этиб келаётган қадриятларимиз бор. Инсонларнинг бир-бирларига меҳр-муруват, саховат кўрсатишлари, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кишиларга моддий кўмак бериш азалий хайрли ишларимиздандир.

2006 йилни Президентимиз томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши, боқий қадриятларимизнинг яна бир исботи бўлди. Ички ишлар ходимлари орасида ҳам ижтимоий таъминотга муҳтожларни ҳомийликка олган, уларга моддий ёрдам бераётганлар борлигидан фахрланамиз.

Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш

КОНСТИТУЦИЯДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

бўйича конституциявий ҳуқуқи кафолати Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларида янада мустаҳкамланган.

Пенсия ва нафақаларнинг турлари кўп. Барчаси ижтимоий таъминотга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқини ифода қилади. Қоидаларда белгилаб қўйилган тартибда ҳар бир фуқаро ўзига тегишли бўлган пенсия, нафақа ва ижтимоий ёрдам олишга ҳақли. Респуб-

мой аҳволи, машғулоти, яшаш жойи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан қатъи назар ҳар ким учун билим олишда тенг ҳуқуқлар яратиб берилади», деб кўрсатилган.

Мамлакатимизда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун етарли шарт-шароит яратиши таъминланяпти. Бу соҳа учун давлат бюджетидан катта маблағ ажратилаётгани боис, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамламоқда. Таълим сифати ошмоқда. Умумий ўрта мактабдан кейин ўрта махсус, касбунарсанар кол-

қилинди. Унга қўра давлат ёши, жинси, irqи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди.

Ҳар бир оила ҳусусий уй-жойга эга бўлиб, тинч-тотув яшашни истади. Мамлакатимизда фуқароларнинг турар жой ҳуқуқини таъминланишига ҳам катта эътибор берилляпти. Мустақилликка эришилгандан кейин давлат уйларини ҳусусийлаштириш амалга оширилди. Қишлоқларда уй-жойга муҳтож оилалар учун ер ажратиб берилди. Қуриш ишлари учун давлатдан маълум муддатли қарз бериш йўлга қўйилди. Бу имтиёзлар туфайли кўплаб фуқаролар ҳусусий уй-жойга эга бўлди. Тураржой ҳуқуқидан фойдаланишга ҳар бир фуқаро ҳақли эканлиги амалдаги қонунларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига кўра: «Ҳар кимга ил-

техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».

Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро хоҳ бадий, хоҳ илмий, хоҳ техникавий ижод қилишга, ўзи истаган мавзуда асар яратишга ҳақли. Ижод эркинлиги мафкуравий доира билан чекланмайди. Шоир, ёзувчилар бадий асарлари билан кишиларга маънавий-эзиқ берса, олим, айтайлик селекционер экинларнинг янги навини яратиб, деҳқончиликка катта ёрдам беради, ихтирочи эса оғир меҳнатни енгиллаштириш борасида янги машиналар ўйлаб топади.

Юртимизда жаҳон илм-фани, маданиятига беназр ҳисса қўшган кўплаб алломалар яшаб ўтишган. Уларнинг бой илмий, маданий меросидан фойдаланиши, қадрига етиш, келажак авлод учун бус-бутун тарзда етказиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда ўз ижоди билан қатнашиш ҳуқуқига эга. Фан, адабиёт, санъат равнақини таъминлаш орқали тараққиётнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Ижтимоий ҳуқуқларни амалга ошириш ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ. Конституция ва амалдаги қонунлар фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини норма-лаб берган. Бугунги кунда фуқаролик жамияти сари одимлаётган бир пайтда бу ҳуқуқларни билиш ва уларни удалаш айни муддаодир.



ликамик фуқаролари, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Илму маърифатга интилиш, уни пухта эгаллаш инсон ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Бу Конституциянинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» дея белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялаш, соғлом, теран фикрли этиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор берилляпти. Бунинг учун биринчи галда таълим тизимини замон талаби даражасига етказиш лозим бўлади.

1992 йилда «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бу ҳужжатда «Давлат келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, irqи, қайси миллатга мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижти-

лежларида ўқишни давом эттириш мумкин. Олий таълим эса етук мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларидан яна бири соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олишдир. Конституциянинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилади. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ишлари алоҳида аҳамият берилаётганига кўплаб далиллар келтириш мумкин. Тизимни малакали кадрлар билан тўлдириш, замонвий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга катта маблағ сарфланмоқда. Ўтган йил мамлакатимизда «Сиҳат-саломатлик йили» деб номланганди. Бу йил амалга оширилган ишларни давом эттириш мақсадида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталди. Малакали мутахассислар, замонвий сиҳаттоғлар фуқаролар хизматида.

1996 йилда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» қонун қабул

мий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида март-апрель ойларида шахсий таркиб ўртасида ўтказиладиган «Сиёсий-ижтимоий ўқиш» машғулоти мавзуларининг намунавий режаси:

9 март.
Ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодиёт соҳаларидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари.

23 март.
Электрон нодавлат оммавий ахборот воситалари.

13 апрель.
«Акримий»лар кимлар? Уларнинг мақсади нима эди?

27 апрель.
Давлат қурилиши ва бошқарувида Парламентнинг ролини кучайтириш.

МЎЪЖАЗГИНА, АММО ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилди, бинобарин, унинг мажбурий тартибини тан олди. Декларациянинг 2-моддаси, 1-бандида: «Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир» дейилган.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ратификация қилинди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ушбу ҳужжатда эътироф этилган ҳуқуқларни ўз ҳудудида яшайётган барча инсонлар учун таъминлаш мажбуриятини олди. Бундан келиб чиққан ҳолда, фуқароларимиз ўз ҳуқуқларига риоя этилишини талаб қилиши мумкин. Ушбу пактнинг 9-моддаси, 1-бандида: «Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонун билан белгиланган бошқа асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас» деб ёзиб қўйилган. 2-бандида эса: «Ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган айб маълум қилинади», деб ёзиб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенцияни ратификация қилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддаси ва Инсон

ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасига биноан ҳеч ким қийноққа, шафқатсиз, гайриинсоний, қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазога дучор этилмаслиги керак. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига асосан қийноқ жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси раҳбарияти ана шу ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда «Ўз ҳуқуқларингиз тўғрисида нималарни билишингиз лозим, агарда Сиз...» деб номланган мўъжазгина қўлланма тайёрлашни йўлга қўйди. Бундан қўзланган мақсад фуқароларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини эслатиш ҳамда ички ишлар ходимлари томонидан ноқонуний, инсон қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар қилинишига йўл қўймасликдан иборатдир. Ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган қўлланма вилоят, шаҳар ва туманлар ички ишлар идораларига тарқатилган бўлиб, улардан бу жойларга ташриф буюраётган фуқаролар фойдаланишарди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 220-моддасига асосан ушлаб турилган шахсларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб олишлари учун тақдим этилмоқда. Эътиборингизга мазкур қўлланма матнини ҳавола этаяпмиз.

— дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш;

— терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишининг туғатилганлигига эътироз билдириш ва суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш;

— ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса — кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш;

— суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш;

— суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларингизни билдириш;

— иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгасиз.

...ГУВОҲ

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 65-моддасига асосан жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс

сўнг у билан ҳоли учрашиш;

— ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишни шахсан ўзингиз амалга оширишингиз;

— илтимоснома бериш ва рад қилиш;

— далиллар тақдим қилиш;

— суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш;

— ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш;

— суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгасиз.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбуриятини юкланиши мумкин эмас.

... АЙБЛАНУВЧИ

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 45-моддасига асосан АЙБЛАНУВЧИ — ушбу Кодекста белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган ҳақида қарор чиқарилган шахсдир.

Агарда Сиз жиноят содир этишда айблансангиз:

— ўзингизни нимада айбланганлигингизни билишингиз;

— Сизга қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатма ва тушунтириш беришингиз;

— ўз она тилингиздан ва таржимон хизматидан фойдаланиш;

— ҳимоячига эга бўлиш ва у билан ҳоли учрашиш;

— ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишни шахсан ўзингиз амалга ошириш;

— илтимоснома бериш ва рад этиш;

— далиллар тақдим қилиш;

— терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш;

ГУВОҲ СИФАТИДА КЎРСАТМА БЕРИШ УЧУН ЧАҚИРИЛИШИ МУМКИН.

Агар Сизни гувоҳ сифатида кўрсатма бериш учун чақиришса куйидаги ҳуқуқларга эгасиз:

— сўроқ юритилаётган тилни билмасангиз ёки етарлича билмасангиз ўз она тилингизда кўрсатмалар бериш ва таржимон хизматидан фойдаланиш;

— Сизни сўроқ қилишда иштирок этувчи таржимонни рад этиш;

— кўрсатмаларни ўз қўлингиз билан ёзиб бериш;

— сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

— кўрсатмалар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш;

— ўз манфаатларингизни ҳимоялаш ва суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суд ажрими устидан шикоятлар келтириш.

...УШЛАНГАН ШАХС

Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 221-моддасида назарда тутилган қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин:

— шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

— жиноят шохидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

— унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйда содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

— шахснинг жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Агарда сизни жиноят содир этганликда гумон қилиб қўлга олишса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходими дарҳол ўзини таништириши, ушланганлигингизни эълон қилиши, ушланганлигингиз сабабини тушунтириши ва кўрсатув бермаслик, ўз адвокатингизни ёки навбатчи адвокатни ушлаб турилаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига таклиф этиш тўғрисидаги ва яқин қариндошларингиздан бирига қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасида ушланиб турилаётганлигингиз тўғрисида хабардор этишлари шартлигини талаб қилиш каби ҳуқуқларингиз борлигини тушунтириши лозим.


Ўзингизга нимада гумон қилинаётганлигингиз ҳақида билиш;

— ушлангандан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш;

— ўзингизга нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш;

— ўз она тилингиздан ва таржимон хизматидан фойдаланиш;

— гумон қилинувчи деб эътироф этилганлигингиз тўғрисидаги қарор маълум қилинган ёки ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугатганидан



ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ

— жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир.

Агар суриштирувчи, терговчи ёки прокурор Сизни жиноят содир этишда гумон қилишса, дарҳол шу иш бўйича тегишли қарор чиқариши лозим. Бу қарорни Сизга қўл қўйишингиз орқали эълон қилади ва гумон қилинувчи ҳуқуқларини тушунтиради. Бунинг натижасида Сиз:


— ўзингизни нимада гумон қилинаётганлигингиз ҳақида билиш;

— ушлангандан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш;

— ўзингизга нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш;

— ўз она тилингиздан ва таржимон хизматидан фойдаланиш;

— гумон қилинувчи деб эътироф этилганлигингиз тўғрисидаги қарор маълум қилинган ёки ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугатганидан



ЎДИНГИЗДА ТУТИНГ!
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг биронта ходими Сизни ҳақоратлаш, шаънингизга доғ тушириш, қадр-қимматингизни камситиш ёки жисмоний таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас, агар бу жисмоний таъсир ўтказиш Сизнинг қаршилиқ кўрсатган ҳаракатларингизга қарши ишлатилмаган бўлса.

ҒАЙРИҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари томонидан юқорида эътироф этиб ўтилган ҳуқуқларингизнинг бирортаси бузилган тақдирда

СИЗ:

— ишингизни юридадиган мансабдор шахсдан ёки навбатчи офицердан етказилган тан жароҳатларини ҳужжатлаштиришни ҳамда тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилишингиз ва шу талабни бевосита ўзингиз ёки ҳимоячи ёхуд қариндошларингиз орқали ҳам беришингиз мумкин;

— ноқонуний хатти-ҳаракатлар устидан юқори турувчи бошлиққа ёзма шикоят беришга имконият яратиб беришлари ҳақида кўрсатилган мансабдор шахслардан талаб қилишингиз мумкин. Ушбу талабни бевосита ўзингиз ёки ҳимоячингиз ёхуд қариндошларингиз орқали ҳам беришингиз мумкин;

— туман прокурори номига шикоят бериш учун имконият берилишини кўрсатилган мансабдор шахслардан талаб қилишингиз мумкин. Ушбу талабни бевосита ўзингиз ёки ҳимоячингиз ёхуд қариндошларингиз орқали ҳам беришингиз мумкин;

— етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси жойлашган туман судига тўғридан-тўғри ёки ҳимоячингиз ёхуд қариндошларингиз орқали шикоят беришингиз мумкин.

Агар бундай имконият берилмаса, бошқа гайриоддий ҳаракатларни (очлик эълон қилиш, ўз-ўзига тан жароҳати етказиш, мансабдор шахсни ҳақоратлаш, таҳдид қилиш, жисмоний қаршилиқ кўрсатиш) содир этмасдан шундай имконият туғилишини кутинг.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимларининг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 235-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари кўринса, сиз тўғридан-тўғри ўзингиз, ҳимоячингиз ёки қариндошингиз орқали ўзингизга нисбатан содир этилган қийноқ, гайриинсоний ва шафқатсиз, қадр-қимматни камситувчи ҳаракатлар юзасидан прокурор ёки юқори турувчи прокурор номига жиноий иш кўзгатишни сўраб шикоят беришингиз зарур.

Қўлланмада кўтарилган масалалар бўйича ўзингизни қизиқтирган саволлар бўлса республика ИИВ Тергов Бош бошқармасига ёзма равишда юборишингиз ёки 139-78-21, 139-77-97, 139-75-45 рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Биз келгусида сизларнинг ана шу истак ва таклифларингиз асосида газетда материаллар ёритиб бориш ниятидамиз.

Ўрол МУҲАММАДИЕВ,
республика ИИВ Тергов Бош бошқармаси бошқарма бошлиғи, полковник.

Хоразм вилоятида 1 миллион 301 мингдан зиёд киши яшайди. Таркибида ўн та қишлоқ тумани, учта шаҳар, еттита шаҳарча ва юзта қишлоқ бор. Аҳоли шоликорлик, пахтачилик, чорвачилик ва қоракўчилик билан шуғулланади. Минтақада машинасозлик, озиқ-овқат ва енгил саноат, пахта қайта ишлаш яхши йўлга қўйилган. Худудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш вазифаси вилоят ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига юклатилган. Бошқарма бошлиғи, полковник Самандар ПОЛВОНОВ билан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Самандар Ҳайитбоевич, вилоятда ўтган йили ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш борасида қандай натижаларга эришилди?

— Юртбошимиз мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш асосий вазифа эканлигини кўп бор таъкидлаганлар. Юрт тинчлиги энг олий неъмат экан, ўзини шу муқаддас замин фарзандиман, деб билган фуқаро ҳар қандай шароитда ҳам бурчини виждонан адо этмоғи лозим. Бундай масъулиятли вазифани вилоят ички ишлар идоралари ходимлари шараф билан бажаришмоқда. Шу жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда бор куч-ғайратларини аямай, муайян ишларни амалга оширдилар.

2005 йилни сарҳисоб қиладиган бўлсам, умумий жиноятлар 1,4 фоизга, қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, ўғирлик, безорилик каби ҳолатлар маълум миқдорда камайишига эришилди. Жамоат жойларида муқаддам судланган, мақдҳам ишсиз юрган шахслар томонидан жиноятлар содир этиш эса кам қайд этилди. Аммо бу хотиржамликка берилишига асос бўла олмайди. Чунки ҳар бир кўнгилсиз воқеа ёки ҳодиса юрт тинчлиги, фуқаролар тақдирига раҳна солиши мумкин. Шундай экан, жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтиришимиз лозим.

— Олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамай

ғиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ҳамон учраб турибди. Уларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилаяпти?

— Ўтган йили оғуфрушлик билан боғлиқ 615та ҳолат аниқланди. Ходимларимиз жиноятчилардан 28 килограммга яқин ғиёҳвандлик моддасини олишди. Биз бундай ҳолатларга қарши кенг жамоатчилик билан бирга курашяпмиз. Шуниси диққатга сазоворки, қишлоқ ҳамда маҳалла фаоллари, яраштириш комиссияси аъзолари ҳамда маҳалла посбонларининг кундалик фаолияти бевосита осойишталикни таъминлаш билан боғлиқ бўлмоқда. Қолаверса, жамоатчилик асосида ташкил этилган тунги гуруҳлар самарали ҳаракат қиляпти.

Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган терроризм ва ғиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятлар ҳар бир фуқародан ниҳоятда ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Шу боис, корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва аҳоли ўртасида «Ўз уйингни ўзинг асра!», «Огоҳлик — давр талаби» каби мавзуларда учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиляпти. Шуниси ачинарлики, ғиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксариятини аёллар содир этишмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари билан яқин алоқа боғлаб, аёллар ўртасида профилактик тадбирлар олиб бораёпмиз.

— Амнистия туфайли озодликка чиққан маҳкумларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш қандай йўлга қўйилган? Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.


— Аҳолини иш билан таъминлаш шу куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда «Бўш ўринлар» ярмаркасини ўтказаяпмиз. Ҳозирда бошқарма тизимидаги

ЮРТ ТИНЧЛИГИ - ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

бўлим ва бўлимларда 2900 нафарга яқин муқаддам судланган шахслар ҳисобда туради. Уларнинг 2597 нафари иш билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бугунги кунгача 230 нафардан ортиқ шахс жазодан озод этилди. Уларни иш билан таъминлаш ва моддий ёрдам бериш масаласи қаттиқ назорат остига олинган. Озод этилган маҳкумлар биринчи навбатда тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволанишга муҳтожларга шифохоналарга ётқизилмоқда. Тиббий кўриқ натижалари бўйича ишга лаёқатлилари бўш ўринлар мавжуд бўлган корхона ва ташкилотларга жойлаштирилмоқда. Шаҳар ва туман ҳокимликлари қошидаги махсус комиссиялар

лари бевосита халқ орасида юриб, уларнинг дардига м а л ҳ а м , қувонч-ташвишига шерик бўладиган ходимлардир. Иш шароити ҳам шунга яраша бўлиши зарур. Вилоятимиздаги барча милиция таянч пунктлари бинолари тўла таъмирдан чиқарилди. Уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш ишлари кўнгилдагидек амалга оширилди. Энг чекка қишлоқларда хизмат қилаётган профилактика инспекторларига зарур жиҳозлар ҳамда алоқа воситалари берилган. Қолаверса, 53 та мар-



Вилоят ИИБ тергов бошқармаси тергов фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат этиш ва ахборот-таҳлил таъминоти бўлимаси катта терговчиси, катта лейтенант Аброр Давлетов.

Белгиланган режага асосан ўтказилаётган ўқув-амалий машғулотларда ходимларимизнинг касбий ҳамда жисмоний тайёргарлигини аниқлаш билан бирга улар транспорт ва алоқа воситаларидан қандай фойдаланишаётгани ҳам эътиборга олинмоқда.

аъзолари жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларнинг оилавий аҳволини тўлиқ ўрганиб чиқишяпти. Шу кунгача 126 нафар кишига 4 миллион 850 минг сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдам берилди. 119 нафар шахс ишга жойлаштирилди. Икки нафарига кексалик, 14 нафарига ногиронлик нафақалари белгиланишига эришилди. Бундай ишлар яна давом этмоқда.

— Кейинги пайтда профилактика инспекторлари фаолиятини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу хусусда-

ги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Профилактика инспектор-

казий милиция таянч пунктида тургун алоқа воситалари мавжуд. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ихтиёрига берилган энг замонавий 20 та автомашинадан жиноятчиликнинг олдини олишда самарали фойдаланилмоқда. Бизда «Намунали милиция таянч пункти», «Энг яхши профилактика инспектори» ва бошқа йўналишлар бўйича кўрик-танловлар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Яқинда вилоятимиздаги милиция таянч пунктлари иш фаолияти ҳамда у ердаги шарт-шароитлар билан танишиб чиқдик. Бунда Янгибозор тумани Боголон қишлоғида жойлашган 135, Урганч шаҳар «Умид» маҳалласидаги 25, Боғот тумани Кулонқорабоғ қишлоғидаги 174, Хива тумани Янгиобод шаҳарчасидаги 71- милиция таянч пунктларида олиб борилаётган ишлар юқори баҳоланди. Бундай ибратли ишларни оммалаштираяпмиз.

Яқинда Огаҳий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида профилактика инспекторлари ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирокида маданий тадбир ўтказилди. Унда

соҳанинг энг илғор ходимларига навбатдаги унвон, пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Жиноятлар тезкорлик билан фош этилишида замонавий транспорт воситалари ҳамда алоқа тизими етарли даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Шу боис, ички ишлар идораларини энг замонавий транспорт ҳамда телекоммуникация воситалари билан таъ-

минлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг амалий ёрдами билан бошқармамиз ихтиёрига «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз» каби автомашиналар ажратилди. Улар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги хизматлари ихтиёрига берилди. Барча юқори ва куйи тизимларда компьютердан кенг фойдаланилмоқда. Белгиланган режага асосан ўтказилаётган ўқув-амалий машғулотларда ходимларимизнинг касбий ҳамда жисмоний тайёргарлигини аниқлаш билан бирга уларнинг транспорт ва алоқа воситаларидан қандай фойдаланишаётгани ҳам эътиборга олинмоқда.

Жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда эксперт-криминалистика бўлимнинг ҳиссаси катта. Ушбу хизмат ҳам энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган автомашинага эга. Кўлбармоқ излари ёрдамида жиноятчини аниқлаш имконини берадиган «Адис Сонда» компьютер тизимининг ишга туши-

рилиши ишимизни анча енгиллаштирди.

— Ички ишлар ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш хизмат самарадорлиги ошишига олиб келиши табиий. Бу борада қандай ишлар қилинаяпти?

— 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб белгилангани ниҳоятда хайрли иш бўлди. Ўтган йиллар мобайнида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ибратли ишлар қилинди. Шу жумладан, ички ишлар ходимлари жисмонан бақувват бўлиб, хизмат қилишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бошқарманинг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохонасида ётиб, даволаниш имконияти мавжуд. Ўтган йили 67 нафар ходим, уларнинг оила аъзолари ҳамда факрийлар ўз саломатликларини тиклаб олдилар.

Хайрли ишларимиздан яна бири шахсий таркибни тураржой билан таъминлаш масаласидир. Айни пайтда 54 хонадонга мўлжалланган тўққиз қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилиши арафасида. Бундан ташқари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда чекка қишлоқлардан қатнаб хизмат қилаётганларга иморат қуриш учун ер майдонлари ажратиб бериш ижобий ҳал этилмоқда. Хуллас, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга масъул бўлган ходимлар самарали меҳнат қилиши учун барча шароитларни яратиб берамиз.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Худойберган ЖАББОРОВ.



Вилоят ИИБ ҲООБ катта инспектори, майор Сапармат Саъдуллаев ва ходима, кичик сержант Фазилят Заргарова.

— Республикадаги наркотик моддалар билан боғлиқ вазият Марказий Осиёдаги бошқа давлатлардаги каби кескинлигича қолмоқда, — дейди республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ наркотрафик ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси бошлиғи, полковник Алишер Жўраев. — Бунинг асосий сабабларидан бири Афғонистонда ишлаб чиқарилган кучли гиёҳвандлик моддаларини Марказий Осиё давлатлари худудлари орқали Россия ҳамда Европа давлатларига ўтказиш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистон худудидан транзит сифатида фойдаланиши тўхтатмаётганлигидир. Жиноятчилар катта миқдорда гиёҳвандлик моддаларини божхона ва чегара масканларини четлаб, айланма йўллар ҳамда ўтиш қийин бўлган тоғли худудлар орқали пиёда, от-уловлар ёрдамида республикага келтиришга ёки транзит равишда олиб ўтишга уринмоқдалар.

Республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги халқаро мажбуриятлари, қолаверса, қабул қилинган Давлат дастури талабларига асосан мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши кураш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, республикада худудлари таркибида

гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ноқонуний равишда етиштириш, қўшни давлатлардан контрабанда йўли билан кириб келишига чек қўйиш мақсадида ҳар йили икки босқичли «Қорадори» тадбири ўтказилапти. Ўтган йили бундай тадбирлар натижасида гиёҳвандлик моддалари муомаласи билан боғлиқ 3553 ҳолат аниқланди. 850 дан ортиқ гиёҳвандлик ўсимликлари экилган майдонлар фош этилиб, йўқ қилинди. Масалан, ўтган йили куз фаслида ўтказилган «Қорадори-2005» тадбири давомида Тошкент вилояти Пскент тумани Охунбобоев номили ширкат ҳўжалигида яшовчи Ж. Элибойнинг ҳовлисидаги 40 кв. метр жойида ёввойи равишда наша ўсимлиги ўсаётгани фош этилиб, йўқ қилинди. Хонадон соҳибига нисбатан тегишли чора кўрилди.

Албатта, гиёҳвандликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўзaro ҳамкорлиги самарали бўлмоқда. Бу борада ички ишлар идоралари тезкор ходимларига йўл-патруль ва пост-патруль хизматлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла посбонлари яқиндан ёрдам беришяпти. Айниқса, оғу тарқатувчиларни қўлга олиб, қонун ҳукмига топширган виждонли маҳалла посбонлари кўпнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Кейинги йилларда захри қотилнинг домига ёшлар, ҳатто вояга етмаганлар ҳам тушиб қолаётгани кузатишмоқда. Энг ачинарлиси, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораёпти. Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиб, турли жиноятга қўл ураётган ёшлар ҳам учраб туриши жуда ташвишланарли ҳолдир. Биргина мисол. Н. ўзига тўқ оиланинг ёлғиз фарзанди эди. У олий ўқув юртини тугатиб, ишга жойлашди. Йигирма беш ёшга киргунига қадар спиртли ичимликни ҳам татиб кўрмаган йигит, тугилган кунда ўртоқларининг қистови билан ароқ ичди. Эртасига оғайнларига боши оғриётганини айтади. Танишларидан бири «кайф» қилишнинг бошқа йўли ҳам борлигини айтиб, унга оқ рангли кукунни кўрсатади. Йигит қизиқиб, уни ҳидлаб кўради. У ярим йил давомида яқинларига билдирмасдан героин истеъмол қилиб юради. Отана унинг юриш-туришидаги ўзгаришни пайқашмайди. Бора-бора йигитнинг пули оғуни сотиб олишга етмай қолади. Шунда «дўстлари» героин томирдан юборилса, янада арзон тушишни маслаҳат беришади. Шундай қилиб, йигит оғу истеъмол қилмаса, яшай олмайдиган гиёҳвандга айланиб қолади. Оғуни сотиб олиш учун уйдаги буюмларни ҳам пуллаб бошлайди. Героин сотиб олаётган пайтида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Бундай кўргуликка чида олмаган ота оламдан кўз юмади. Жазосини ўтаб, озодликка чиққан йигит яна эски «хунари»ни давом эттиради. Шу орада у бир қиз билан танишади ва унинг маслаҳати билан даволанади. Тўйлари бўлганига бир неча йил ўтса ҳам улар фарзандли бўлишмайди. Гиёҳвандлик моддаларини кўп истеъмол қилиши оқибатида эрининг белушт бўлиб қолганини эшитган жувон у билан ажрашиб кетади. Бундай «савдо»га чида олмаган йигит яна оғуга ружу кўяди. Бироз вақт ўтгач, жасади уйининг олдидан топилади. Унинг ўлимига героинни меъёрдан ортиқ қабул қилиши сабаб бўлган экан. Фарзанд доғида онаси ҳам кўп ўтмай вафот этади.

Гиёҳвандлик моддалари тарқалишининг олдини олиш ва гиёҳвандликка қарши кураш XXI асрнинг энг долзарб муаммосига айланиб қолди. Бу борада оммавий ахборот воситалари орқали махсус кўрсатувлар намойиш этиляпти, мақолалар чоп қилинапти. Жаҳоннинг соғлом фикрловчи кишилари ушбу офатга қарши курашда жипслашиб, ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича ўн уч ярим миллион киши, асосан, Афғонистонда етиштирилган героин моддасини истеъмол қилмоқда. Уларнинг бир миллиондан ортиқроғи ОИВ/ОИТС касаллигини юқтирган. Ҳар йили гиёҳвандлик моддаларини меъёридан кўп истеъмол қилиш оқибатида 10 мингдан зиёд одам ўз умрига зомин бўляпти. Гиёҳвандлик билан боғлиқ касалликлар туфайли дунё бўйича 100 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юммоқда.

Кўрииб турибдики, бир йигитнинг гиёҳвандлик касалига чалиниши туфайли бутун бошли оила барбод бўлди. Олий маълумотли, жамиятга фойда келтириши мумкин бўлган ёш мутахассиснинг ҳаёти эрта сўнди. Хўш, бунга ким айбдор? Аввало, унинг ўзи. Иродасизлик қилиб, шу

моат ташкилотлари вакиллари яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда. Тадбирдан кўзланган мақсад ёшлар, айниқса, олий ўқув юрлари, коллежлар талабалари, ли-

Ёшларимиз гиёҳвандлик касалига мубтало бўлиб қолмасликлари учун катталар уларнинг бўш вақтлари тўғри ўтишига кўмаклашишлари, маданий ҳорлиқ чиқариш, спорт билан шуғулланиш, фойдали меҳнат билан банд бўлишларига жиддий эътибор қаратишлари лозим.

Буни чуқур ҳис қилган республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ наркотрафик ва наркотик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси ташаббуси билан жорий йилнинг 1 февралдан 1 мартгача мамлакатимизда «Ёшлар орасида наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши кураш» деб номланган профилактик тадбир ўтказилмоқда. Уни ўтказишда республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг жойлардаги бўлимлари ва бошқа жа-

моат ташкилотлари вакиллари яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда. Тадбирдан кўзланган мақсад ёшлар, айниқса, олий ўқув юрлари, коллежлар талабалари, лицейлар ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, оғуфурушларни аниқлаш ҳамда уларни қонун бўйича жавобгарликка тортиш, бангиликка дучор бўлган шахсларни тиббиёт муассасаларида даволаш каби масалалар ҳал этилиши

кўзда тутилган. Жойларда ўтказилаётган учрашувлар чоғида ёшларга гиёҳвандликнинг зарари ҳақидаги фильмлар намойиш этилиб, ҳар хил кўргазмали расмлар кўрсатилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, мамлакатимизда гиёҳвандлик таҳдиси билан ҳисобда турганларнинг 31,7 фоизини 18 дан 29 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Утган йилида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятларнинг 44 таси 14 дан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар томонидан содир этилган.

Тадбир давомида ёшларга гиёҳвандлик моддаларини тарқатиб, уларни жиноятга жалб этаётган бир нечта фуқаро ички ишлар ходимлари томонидан аниқланди. Ҳатто баъзи бир ота-оналар гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни сотишда ўз фарзандларидан фойдаланишга теглигида ўтказилган тадбирда Янгиер шаҳрида яшовчи, тадбиркор Н. Маматмуса «Табобат» номили хусусий дорихонасида савдо қилишни ўғлига топшириб қўйган экан. Ҳали вояга етмаган мактаб ўқувчиси Н. Иноятулло «Феназепам» психотроп дориларини қонунга хилоф равишда сотаётганида тезкор ходимлар томонидан ушланди. Тегишривларда яна кўп миқдорда ана шундай дори-дармонлар махсус рухсатномасиз сотилаётгани ва сақланаётгани фош этилди.

Тадбиркор қонун олдида тегишли жазосини олар. Аммо бойлик тўплаш мақсадида фарзандининг келажагига болта ураётган отанинг хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин? Афсуски, узоқни кўра олмайдиган, «нима қилсам ҳам фарзандларим, уларнинг келажаги учун замин яратаямман» дея оғиз кўпиртираётган ота-оналар болалари тақдирига қора чирик тортишга танини англаб етишармикан? Қуш ўз уясида кўрганини қилади, деган нақл бежиз айтилмаган. Қонунбузар отага шерик бўлган фарзанд эртага қайси йўлдан боради?

Гиёҳвандлик бир қатор миллатларнинг генофондида хавф соляпти. Бу ўша миллатларда насл бузилиши мумкин, соғлом фарзанд туғилиши гумон остида қолиши эҳтимоли бор дегани. Бундай кўргулик бошқа миллатлар, халқлар бошига тушмайди деб ҳеч ким қафолат бера олмайди. Шунинг учун ҳам бир қатор халқаро ташкилотлар гиёҳвандлик иллоти инсониятга хавф солаётгани ҳақида бонг уришяпти. Биз мамлакатимизда аҳвол бошқа минтақаларга қараганда яхши деб хотиржамликка берилмаслигимиз керак. Таниқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор: «Микроб қанчалик хавфли бўлса, уни шунчалик катталаштириб кўрсатадиган заррабин зарур» деган эди. Демокчимизки, гиёҳвандлик яраси газак олиб кетмасдан туриб унинг аянчли оқибатларини бутун даҳшати билан кўрсата олишимиз керак. Токи кишилар гиёҳвандликдан ҳазар қилишсин. Гиёҳфурушлик орқасидан бойлик орттирмақчи бўлганлар инсофга келиб бу ниятидан қайтсин. Ниятидан қайтмаганлар эса тегишли жазосини олсин. Бошқалар бўлса ўз фарзандларини, атрофдагиларни гиёҳвандлик тузоғига илинишдан сақлаш йўлида қўлларидан келган барча чораларни кўрсинлар. Бунинг учун гиёҳфурушликка нисбатан ҳам, гиёҳвандликка нисбатан ҳам жамиятда мурасизлик муҳитини вужудга келтириш лозим.

Қобилжон ШОКИРОВ.

ЁШЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

йўлга кириб қолганида, гиёҳвандлик қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билганида умри бевақт хазон бўлмас, ота-онаси ҳам эрта вафот этмасди.

Бошқа бир мисол. Бу воқеа анча йил олдин бўлганди. Авваллари келин-куёвлар ҳозирдагидек никоҳдан олдин шифокорлар кўригидан ўтказилмаган. Бу кўплаб ёш оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўларди. Ўзи танимаган йигитга турмушга чиққан қиз кетма-кет ногирон фарзанд туғди. Йигитнинг ўтмишда гиёҳванд бўлгани шундан сўнг маълум бўлади. Тақдирдан норози бўлган аёл ўз жонига қасд қилди. Ҳаммасида ҳам биринчи галда ёшларнинг ўзи айбдор. Гиёҳвандлик охир-оқибат нималарга олиб келишини англамасликларидан шундай фожиалар юз бераёпти.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кузатишлар шунга кўрсатмоқдаки, гиёҳвандлар сонининг ортиб боришига таъсир қилувчи омиллар турли давлатларда, қолаверса, бир мамлакатнинг ўзида ҳам хил бўлар экан. Лекин улар орасида умумий жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, ўсмирлар оқибатини ўйламаган ҳолда аввал тамаки чекиши, сўнгра гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиши орқали улғайиб қолганликларини кўрсатишга уринишади. Иккинчидан, гиёҳвандлик

Таниқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор: «Микроб қанчалик хавфли бўлса, уни шунчалик катталаштириб кўрсатадиган заррабин зарур» деган эди. Демокчимизки, гиёҳвандлик яраси газак олиб кетмасдан туриб унинг аянчли оқибатларини бутун даҳшати билан кўрсата олишимиз керак.

моддасини истеъмол қилишга ўрганиб қолган ёшлар ўз тенгдошларини давралар, дискотекалар ва бошқа жойларда камситиб, калака қилиб, уларни сафларига қўшилишига ундашади. Учинчидан, гиёҳвандларнинг пайдо бўлишига оилавий муҳит ҳам катта таъсир кўрсатади. Хонадондаги сурункали жанжаллар, ичкиликбозликдан безор бўлган ўсмир кўчадан «паноҳ» топишга ҳаракат қилади. Тўртинчидан, ёшлар айни балоғат даврида бекорчи бўлиб қолиши, уларни ўзларига ёқмаган иш билан боғлаб қўйиш гиёҳвандлик кўчасига кириб қолишни юзага келтиради.





XX аср

Саноат қурилиш банки.



XXI аср

ЖАМОЛИНГГА КЎЗ ТЕГМАСИН, БУХОРО!

**Самарқанд сайқали рўйи замин аст.
Бухоро қуввати исломи дин аст.**

Юқоридаги сатрлар кўпчилигимизга ёд бўлиб кетган. Бухорои шариф бутун ислом оламида нафақат диний илмлар маркази, илм-маърифат маскани сифатида ҳам донг таратган. Бу ердан таниқли дин пешволари, уламою фузалолар, тасаввуф тариқати салафлари билан бирга забардаст олимлар ҳам етишиб чиққан.

Қадимда Бихар, Нумижат, Фохира номлари билан машҳур бўлган бу шаҳардаги қадимий меъморчилик обидалари аввалдан сайёҳлар диққатини тортиб келади. Афсуски, шўролар тузуми даврида уларни асраб-авайлашга, ўз вақтида таъмирлашга етарлича эътибор берилмади. Натижада айрим ёдгорликлар ташландик, хароб аҳволга тушиб қолган эди.

Истиклўлга эришганимиздан сўнг буюк ажлодларимиздан мерос бўлиб

қолган бу санъат мўъжизаларига қайтадан жило бахш этилди, улар асл ҳолида тикланди. Бундан ташқари кўплаб замонавий бинолар қад ростлади. Қатор академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, меҳмонхона, банк, гузарлар шаҳар хуснига хусн кўшиб турибди. Кўчалар равонлашди, кенгайди. Янгидан бунёд этилган спорт-соғломлаштириш мажмуаси аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаяпти. Бундан ташқари амалга оширилаётган кенг миқёсли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳар қанча мақтасак оз. Хуллас, қадим ва навқирон Бухоро кундан-кунга чирой очаётгани рост. Чиройингга кўз тегмасин, эй азим шаҳар!

Саҳифани Эркин **ФОЗИЛОВ** тайёрлади.



XX аср

Бухоро юридик коллежи.



XXI аср



XX аср

Палас меҳмонхонаси.



XXI аср



РОСТДА-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

НТВ, душанба

3.15 Бадийй фильм «**ЎТАКЕТГАН БЕЗОРИ**» («**ЗАВОДНОЙ АПЕЛЬСИН**»)

Безори Алекс-Бахнинг мухлиси. У уч ўртоғи билан бирга жанжаллашишади, рақсга тушишади, бировларни муштлашади. Қамокхонада Алексни янги-ча усулда «яхшилаб тарбиялашади». У озодликка чиққач яна турли иллатларга тўла, ёмонликка ёмонлик билан жавоб берувчи жамият қўйнига қайтади...

Ролларда: Малколм Макдауэлл, Уоррен Кларк.



РТР, сешанба

0.30 Жангари фильм «**ХАВФЛИ ЗАМИН**» («**ОПАСНАЯ ЗЕМЛЯ**»)

Вуси Мадлази бундан 14 йил муқаддам тарк этган қадрдон шаҳрига қайтади. У отасини дафн этгани келган. Бир неча кундан кейин ўқишини давом эттиргани Америкага қайтмоқчи. Аммо қараса, она шаҳрида босқинчилик, зўравонлик ва гиёҳвандлик авж олган. Укаси кўз олдида наркобарон ўқидан ҳалок бўлади. Буни кўриб Вуси Америкага қайтиш муҳлатини орқага суради.

Ролларда: Элизабет Херли, Айс Кьюб, Энтони Бишоп.



ОРТ, чоршанба

1.30 Бадийй фильм «**ДАЙДИ**» («**БРОДЯГА**»)



Иккинчи жаҳон уруши давом этапти. Техасдаги кичик шаҳарча. Нита бир ўзи икки ўғлини тарбиялайди. Эридан ажрашгани учун ишхонадагилари нуқул устидан кулишади. Ёш денгизчи Тедди билан дўстлашиши ғийбатчиларга янги мавзу бўлади. Теддини ҳарбий хизматга чақиришгач, Нита дайди Бейли билан танишади...

Ролларда: Сиси Спэйсик, Эрик Робертс, Сэм Шепард.



НТВ, чоршанба

21.50 Комедия «**КОПЛОН**» («**ЯГУАР**»)

Ёш француз Франсуа Перрен ашаддий қартабоз. У тасодиф туфайли Амазонка чангалзорига келиб қолади. Бу ерда ҳинду қабила-си етакчисининг руҳини топиб қутқариши лозим. Муҳим ҳукуматлараро музокараларнинг қандай яқун топиши шунга боғлиқ. Гўеки Франциянинг обрўси ва ўзининг ҳаёти гаровга тикилган.

Ролларда: Жан Рено, Патрик Брюэль.

СТС, пайшанба

3.50 Жангари фильм «**ХОСИЯТСИЗ МАВСУМ**» («**ПРОКЛЯТЫЙ СЕЗОН**»)

Лос-Анжелесда тўс-тўполон. Одамлар қонун-қоидага риоя қилишни унутиб қўйишган. Кўчада ҳар қадамда ўлим шарпаси кезади. Полиция департаментининг махсус текширувлар ўтказиш билан шуғулланувчи сара бўлинмасига кўчадаги тартибсизликлар сабабини аниқлаш топширилади. Аммо ёш изқувар ва унинг шериги коррупция билан юзма-юз келишади...

Ролларда: Курт Расселл, Жим Коуди Уильямс.



РТР, жума

22.55 Бадийй фильм «**ЎРГИМЧАКЛАР ХУЖУМИ**» («**АТАКА ПАУКОВ**»)

Мўъжазгина кончилар шаҳарчаси. Ундаги кўлга заҳарли кимёвий чиқиндилар тўкилади. Натижада экологик вазият издан чиқади. Бунинг оқибатида одатдаги ўргимчаклар бир кечада баҳайбат махлуқларга айланади. Аммо бу ҳали даҳшатли воқеаларнинг бошланиши экан, холос...

Ролларда: Дэвид Аркетт, Кэри Вурер, Скотт Терра.



ОРТ, шанба

21. 20 Жангари фильм «**ҚОТИЛ ШЕРИКЛАР: СТАРСКИ ВА ХАТЧ**» («**УБОЙНАЯ ПАРОЧКА: СТАРСКИ И ХАТЧ**»)



Дейв Старски ва Кен Хатч ўзларини Бэй-Сити шаҳридаги энг уста полициячилар деб ҳисоблашади. Аслида иккиси бутунлай бошқа-бошқа одамлар. Улар азбаройи ишдан ҳайдалиб кетмасликлари учун бир шов-шувли жиноятни очишлари керак. Ниҳоят, улар кутган имконият туғилади. Маҳаллий наркобарон Риз Фельдман катта миқдордаги заҳри қотилни сотишни режалаштиради...

Ролларда: Бен Стиллер, Оуэн Уилсон, Винс Вон.



ТВ 3, якшанба

23.00 Бадийй фильм «**ЯШИРИНГИН**» («**ПРЯЧЬСЯ**»)

Америкалик репортёр ҳарбий базага уюштирилаётган сирли ҳужумлар сабабларини текширгани келади. Шу аснода беихтиёр сиёсий ўйинларга аралашиб қолади. У юз минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга, юз бериши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олишга улгуриши лозим...

Ролларда: Дольф Лундгрэн, Луи Гассетт.

«Ўзбекистон» телеканал

Хурматли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан, «Ўзбекистон» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Тахлилнома».
15.45 ТВ анонс.
15.50 «Сизнинг адвокатингиз».
15.55 «Олам ва одам» дастури: «Юнь-Нань вилояти».
16.25 2006 йил —. Хомийлар ва шифокорлар йили. «Яхшилик».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.30 «Олтин мерос».
17.40 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Банк ва мижоз».
18.10 ТВ анонс.
18.15 «Ошин». Телесериал.
18.50 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.10 «Оқшом наволари».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки.»
22.00 «Қақнус». Телесериал премьераси.
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам». Сериал. 1-қисм.
00.10-00.15 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

11.55 Дастурнинг очилиши.
12.00 «Давр» ҳафта ичида.
12.30 ТВ — анонс.
12.35 «Ўйин». Бадий фильм. 4-қисм.
13.05 Болалар экрани: Катта танаффус.
13.25 «Шум бола». Бадий фильм.
14.55 SMS - тест.
15.00 Ватанпарвар.
16.00 Давр.
16.10 ТВ — анонс.
16.15 Интерфутбол.
17.55 Болалар табассуми.
18.00 Чемпион сирлари (рус тилида)
18.20 «Рамзий оқ патлар». Бадий фильм. 1-қисм.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Интеллектуал олимпиада.
19.45 Ёшлар овози.
20.00 Мусикий лаҳзалар.
20.15 Ракурс.
20.30 ТВ-анонс.
20.35 SMS - тест.
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.45 SMS - тест.

21.50 Мусикий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 ТВ - анонс.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 «Эсмеральда». Телесериал.
23.20 Дастурнинг ёпилиши.

«Тошкент» телеканал

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» /рус/.
18.50 «Эртақларнинг сеҳрли олами»/рус/.
19.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.45 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.20 ТТВда сериал: «Камила».
20.50 «Экспресс» телегазетаси.
21.05 «Саломат бўлинг» (рус).
21.25 «Телекурьер маркет».
21.40 «Махсус муҳбир».
22.00 Кинонигоҳ: «Амар, Акбар, Антони». 1-қисм.
23.25-23.30 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканал

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Тэппейнинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 Бокс. Республика биринчилиги.
10.10 «Соғлом авлод».
10.25 Жаҳон спорти: Баскетбол. NBA «Юлдузлар ўйини».
11.25-11.55 «Турин-2006». XX қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Паҳлавон». Болалар кураш шоуси.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Турин-2006». XX қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Турин-2006». XX қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы
17.00 «Мультфильм
17.30 «Хужжатли фильм»
17.50 «Клип»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45, 21.15 «Мусикий лаҳзалар»
19.00 «Ошикона», мусикий дастури
19.45, 21.40 «Телехамкор»
20.00, 21.50 «Мусикий табассум»
21.00 «Хайрли тун, болажонлар!»
22.20 Фильм «Крупная рыба»

ОРТ

Уважаемые телезрители! В связи с прямой трансляцией XX зимних Олимпийских игр в программе возможны изменения

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 5.00 Новости
9.05 «Убойная сила». Сериал
10.10 «Любительница частного сыска Даша Васильева»
11.30 «Кривое зеркало»
12.10 «Черный ворон». Сериал
13.20 Комедия «Дежурный папа»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Сериал «Талисман»
17.00 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 «Неуловимые налетчики». 1-я серия
18.40 Сериал «Московская сага»
19.50 Жди меня
21.00 Время
21.30 Детектив «Казароза»
22.30, 23.40 Док. фильм
23.20 Ночные новости
0.30 XX зимние Олимпийские игры. Фигурное катание.
3.30, 5.05 Триллер «Ящик Пандоры»
5.10 «Новый день»

РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8:45 Фильм «Один из нас».
10:45, 13.45, 0.15, 4.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
11:00, 14.00, 17.00, 20.00 ВЕСТИ.
11:30, 14.20, 16.40, 20.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:50 «Комната смеха».
12:45 «Частная жизнь».
14:40 Комедия «Женская интуиция-2».
17:15 «Смехопанорама».
17:50 «Обреченная стать звездой». Сериал
18:45 Сериал «Волчица».
19:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
21:00 «Громы». Сериал
21:55 Сериал «Бухта Филиппа».
23:00 «ВЕСТИ+».
23:20 «Тайна Туринской плащаницы».
0:30 «Честный детектив».
1:00 «Синемания».
1:30 «Дорожный патруль».
1:45 Драма «Слово полицейского».
3:20 Канал «Евро Ньюс».

НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
11:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
13:30 Сериал «РИЭЛТОР»
15:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6»
18:35 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
19:40 Сериал «СЛЕПОЙ - 2»

20:50 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ»
22:45 Фильм «ИНСПЕКТОР ГАИ»
0:25 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ».
1:20 «ВСЕ СРАЗУ!»
1:45 Фильм «ПОЖИРАТЕЛЬНИЦА МУЖЧИН»
3:15 Фильм «ЗАВОДНОЙ АПЕЛЬСИН»
5:35 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 - 10.30 Мультфильмы.
11.00 Фильм «МИЛЕДИ».
13.40 Фильм «ПО УЛИЦЕ КОМОД ВОДИЛИ».
15.00 «Осторожно, модерн!».
15.30 Мультфильмы.
16.00 Фильм «СЕВЕРИНО».
17.30 Фильм «БЕССОННИЦА».
19.55 Ваш здоровый позвоночник.
20.00, 2.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».
21.00 Фильм «ЛОС-АНДЖЕЛЕССКАЯ ИСТОРИЯ».
23.00 Фильм «ЗАЛОЖНИЦА».
1.00, 5.00 Сериал «ЕЁ ЗВАЛИ НИКИТА».
3.00 Фильм «ТИХООКЕАНСКИЕ ВЫСОТЫ».

ДТВ

9.00 Мультфильмы.
10.00 Сериал «НЯНЯ».
10.30, 17.30 «Как ухаживали кумиры». Анатолий Собчак».
10.55, 19.45 «Неслучайная музыка».
11.00 Телемагазин.
11.30 Автоновости «Карданный вал +».
11.50 Фильм «ТЕМНАЯ СТОРОНА СОЛНЦА».
14.05, 21.00 Самое смешное видео.
14.35 Сериал «СТРОГО НА ЮГ».
15.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.30 Мультфильмы.
17.55 Фильм «ВИЙ».
20.00 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
21.25 Шоу Бенни Хилла.
21.55 «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ. АДВОКАТ».
23.00 Док. Сериал «Опергруппа, на выезд!»
23.40, 2.30 Агентство криминальных новостей.
0.00 Фильм «ВЗРЫВ».
2.10 Автоновости «Карданный вал +».
2.50 Шоу Бенни Хилла.
3.20 «Девушки не против...»

ТНТ

5.45 «Москва: инструкция по применению».
6.10 Мультсериал
6.40 «Сейлормун-супервоин». Сериал.
7.05 «Глобальные новости».
7.10 «Губка Боб Квадратные штаны».
7.35 «Ох уж эти детки».
8.00 «Приключения Джими Нейтрона, мальчика-геня».
8.25 Предприниматель.
8.40, 1.00 Наши песни.
9.00 «Нашествие роботов». Док. фильм.
10.00 «НЕПОБЕДИМЫЙ ДИКАРЬ». Комедия
12.15 «Как говорит Джинджер».
12.40 «Эй, Арнольд!».
13.05 «Дикая семейка Торнберри».
13.30 Телемагазин.

14.00 «ДЕВСТВЕННОЦА». Сериал
15.00, 20.00 Реалити-шоу [ОФИС].
16.00, 21.00, 0.00 «Дом-2. Новая любовь!»
17.00 «Школа ремонта».
18.00 «Возможности пластической хирургии».
19.00 Такси.
19.30, 0.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 Комедия «ПОЛИЦЕЙСКАЯ АКАДЕМИЯ-3».
1.15 «НЕПОБЕДИМЫЙ ДИКАРЬ». Комедия.

СТС

8.00 «МЕДИКИ». Сериал
8.40 - 9.00 Мультфильмы.
9.30, 21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал
11.00 Истории в деталях.
11.28, 21.58, 1.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
11.30 Комедия «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
12.00 Кино «СЫН РУСАЛКИ».
14.00 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Сериал
15.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Сериал
15.30 - 17.30 Мультфильмы.
18.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕЙ». Сериал
19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Сериал
20.30 Комедия «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
21.30, 1.30 Истории в деталях.
22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал
23.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
23.30 Кино «БЕГУЩИЙ ЧЕЛОВЕК».
2.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
2.30 Детали.
3.30 «33 квадратных метра».
4.25 Кино «И МОРЕ РАСКРОЕТ ТАЙНУ».
5.55 «ШПИОНКА». Сериал

7 ТВ

7.00 8.00 9.00 10.00 11.00
12.00 13.00 14.00 15.00
16.00 17.00 18.00 19.00
20.00 21.00 22.00 23.00
0.00 1.00 2.00 3.00 4.00
5.00 6.00 7.00 новостей.
7.10 Зарядка для страны.
7.30 9.30 10.30 Веселые старты.
8.10 Водное поло. Чемпионат России.
9.10 15.10 19.10 Экстремальный контакт.
10.10 21.10 1.10 Музыкальный трек.
11.10 16.10 0.10 3.10 NBA Live!
11.30 19.30 20.30 21.30
23.30 1.30 Диалоги о рыбалке.
12.10 20.10 «220 вольт».
12.30 Евросерия F-3.
13.10 3.30 Звезда автострады.
13.30 Кубок Porsche Carrera.
14.10 23.10 «Советский спорт».
14.30 Гонки из серии ДТМ.
15.30 Серия Ле-Ман.
16.30 0.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
17.10, 22.10, 5.10 Волейбол (женщины).
18.10 2.10 6.10 Дартс. Чемпионат мира.
3.40 Звезда автоспорта.
4.10 Покер.

«Ўзбекистон» телеканалли

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам». Сериал. 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
10.10 «Мустақиллик майдони - маънавият майдони».
10.30 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги».
12.00 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». Ўзбекистон халқ артисти А. Исмоиловнинг ижодий кечаси.
12.50 «Қакнус». Телесериал.
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бир ўлка-ки...»
14.40 «Дилларга ором истаб». Концерт.
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Жиддий ўйин».
«Болалар сайёраси»:
16.05 1. «Болалар дунёси». 2. «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ақл ва идрок».
17.35 «Олтин мерос».
17.50 «Тарих кўзгуси».
18.10 «Оқшом наволари».
18.25 «Ернинг муносиб эгасини топиш - долзарб масала».
18.45 «Ошин». Телесериал.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги. Телесериал премьераси».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Олтин мерос».
22.00 «Қакнус». Телесериал премьераси.
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам». Сериал. 2-қисм.
00.10-00.15 Тунги наволар.

23.00 «Ҳаёт ва хаёл». Бадий фильм.
00.30-00.35 Тунги навалар.

«Ёшлар» телеканалли

6.25 Дастурнинг очилиши.
6.30 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.
8.00 ТВ-анонс.
8.05 «Кирол Шер». Мультфильм 2-қисм.
9.30 «Очил дастурхон» хангомалари.
9.50 «Кизалоқ, кинода ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадий фильм.
11.10 Мехмонхона.
11.30 SMS – тест.
11.35 «Мушкетёр қиз». Бадий фильм 2-қисм.
13.00 Орзулар қанотида.
13.30 Мусикий лаҳза.
13.35 Чемпион сирлари.
13.55 ТВ - анонс.
14.00 «ЯНГИ КУН». Ахборот дам олиш дастури.
15.00 SMS – тест.
15.05 Давр спорти.
15.20 Азизим.
15.50 Рижг кироллари.
16.40 ТВ – анонс.
16.45 Болалар экрани: Уй вази-фаси.
17.05 Ёнимдаги бахт.
17.10 «Камтарин қулингиз». Бадий фильм.
18.30 SMS – тест.
18.35 Мусикий лаҳзалар.
18.50 ТВ - анонс.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.30 ТВ - анонс.
19.35 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
20.30 Афсона ва ҳақиқат.
20.45 Оқшом кўнғироқлари.
20.50 Ёшлик навалари.
21.10 SMS – тест.
21.15 Эълонлар.
21.20 «Қалбимда сенсан». Бадий фильм 2-қисм.
23.00 Кўшиқнинг тугилиши.
23.20 Дастурнинг ёпилиши.

«Тошкент» телеканалли

«8.00-13.00» гача. информация мусикий дастур.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Миттивойлар мактаби».
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00 «Тв плюс».
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Махсус мухбир».
20.20 «Телекуррьер маркет».
20.35 «Туризм ҳақида». (рус).
21.05 «Экспресс» телегазетаси.
21.20 «Соғинч».
21.40 «Телекуррьер маркет».
21.55 Кинонигоҳ: «Нозик ниҳол маликам». 2-қисм. (рус).
23.35-23.40 Хайрли тун, шахрим!».

«Sport» телеканалли

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.10 «Смак».
9.30 «Златовласка». Фильм для детей.
11.00 «Л. Полищук в проекте Охотники за рецептами».
11.40 «Кувнок стартлар».
12.20 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.40-13.10 «Турин-2006». XX қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд». Дам олиш дастури.
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.30 «Спорт – менинг ҳаётим».
20.50 «Проф-РИНГ».
21.30 «Талқин». Информацион-тахлилий кўрсатув.
22.00 «Турин-2006». XX қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.
23.55 «Турин-2006». XX қишки олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши.
1.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05, 11.00, 16.45, 19.00 «Телехамкор»
9.20, 9.50 Мультсериал
1.15 Фильм «Сто дней после детства»
13.10 «Мусикий табасум»
13.30 «Хит.парад - плюс», повтор передачи
14.30 «Шоу-бизнес янгиликлари»
14.50 «Болалар соати»
15.30 «Аёллар орзуси», познавательная передача
16.00 «Хикоя», познавательная передача
16.20 Мультсериал
17.00 Фильм «Искатели приключений»
18.30 «Сугдиёна» Мунис аёллар курсатуви
19.15 «Ошикона», мусикий дастури
20.00 «30 кадр» - развлекательная передача
20.30, 21.30 «Мусикий табасум»
21.00 «Концерт»
22.10 «Синома»

ОРТ

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00, 3.00, 5.00 Новости
9.05 «Убойная сила». Сериал
10.10 «Любительница частного сыска Даша Васильева»
11.30 «Кривое зеркало»
12.20 «Черный ворон». Сериал
13.20 Комедия «Посмотри, кто еще говорит»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.30 «Лолита. Без комплексов»
16.10 Сериал «Талисман»
16.50 Сериал «Московская сага»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 XX зимние Олимпийские игры. Хоккей. Финал.
19.30 Вечерние новости (с субтитрами)
21.00 Время
21.30 Фильм «Незаконченная жизнь»
23.30 «Золотые моменты Олимпиады»
0.00 Церемония закрытия зимних Олимпийских игр 2.10, 3.05 Триллер «Вне конкурса»
4.05 «Владимир Сальников. Олимпийская судьба». Док. фильм
4.30, 5.05 Док. фильм

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!».
8:05 «Гарри Поттер и тайная комната».
11:00, 14:00, 17:00, 20:00 ВЕСТИ.
11:30, 14:20, 16:40, 20:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:50 Сериал «Бухта Филиппа».
13:45, 0.20 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14:40 Комедия «Детсадовский полицейский».
17:15 «Смехопанорама».
17:50 «Обреченная статья звездой». Сериал
18:45 Сериал «Волчица».
19:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
21:00 «Громовы». Сериал
21:50 Боевик «Одиночка».
0:00 «ВЕСТИ+».
0:35 Комедия «Флетч».
2:35 «Дорожный патруль».
2:55 Сериал «Закон и порядок».
3:45 Сериал «Джонни Зиро».
4:30 Канал «Евроныюз».

НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК».
10:00, 13:00, 16:00, 19:00, 22:00 «СЕГОДНЯ»
10:15 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
11:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
13:30 Сериал «РИЭЛТОР»
15:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6»
18:35 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
19:40 Сериал «СЛЕПОЙ - 2»
20:50 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ»
22:45 Сериал «БАЛЬЗАКОВСКИЙ ВОЗРАСТ, ИЛИ ВСЕ МУЖИКИ - СВО...-2»

0:50 Детектив «ДЕНЬ ОПАСНОГО СЕКСА»
2:45 Фильм «РОК-ЗВЕЗДА»
4:25 Сериал «ВАВИЛОН - 5»
5:15 Сериал «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ»

ТВ 3

8.30 Жизнь, полная радости.
9.00 - 10.30 Мультфильмы.
11.00 Фильм «БОЛЬШИЕ ПАРНИ».
13.00 Фильм «ТРИ БЕГЛЕЦА».
15.00 «Осторожно, модерн!».
15.30 «Курьер». Сериал.
16.00 Фильм «ВАЛЬС ЗОЛОТЫХ ТЕЛЬЦОВ».
17.30 Фильм «ТЕРМИНАТОР-2: СУДНЫЙ ДЕНЬ».
20.00 «Осторожно, модерн!».
21.00 Фильм «ХОЗЯИН ИМПЕРИИ».
23.00 Фильм «ПРЯЧЬСЯ».
1.00, 5.00 Сериал «БЕССМЕРТНЫЙ».
2.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС».
3.00 Фильм «РОЖДЕНИЕ ОБОРОТНЯ».

ДТВ

9.00 Мультфильмы.
10.00 Сериал «НЯНЯ».
10.30, 17.30 «Как уходили кумиры».
10.55 «Неслучайная музыка».
11.00 Телемагазин.
11.30 Автоновости «Карданный вал +».
11.50 Фильм «ЛЮБОВНИЦА».
14.05, 21.00 Самое смешное видео.
14.35 Сериал «СТРОГО НА ЮГ».
15.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.30 Мультфильмы.
17.55 Фильм «ДРУГ».
19.50 «Неслучайная музыка».
20.00 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
21.25 Шоу Бенни Хилла.
22.00, 22.30 «Техногенные катастрофы».
23.00 «Этот безумный мир».
23.40, 2.20 Агентство криминальных новостей.
0.00, 1.00 Сериал «СВЯТОЙ ДОЗОР».
2.00 Автоновости «Карданный вал +».
2.40 Шоу Бенни Хилла.
3.15 «Девушки не против...»
3.45, 4.15 «Техногенные катастрофы».
4.45 «Осторожно, афера!»

ТНТ

5.45 «Москва: инструкция по применению».
6.10 Мультсериал.
6.40 «Сейлормун-супервоин». Сериал.
7.05 «Глобальные новости».
7.10 «Губка Боб Квадратные штаны».
7.35 «Ох уж эти детки».
8.00 «Приключения Джими Нейтрона, мальчика-гения».
8.25 Виртуальные миры.
8.40, 1.40 Наши песни.
9.00 «Собака-доктор». Док. фильм.
10.00 «НЕ ГОВОРИТЕ МАМЕ, ЧТО НЯНЯ СДОХЛА». Комедия.
12.15 «Как говорит Джинджер».

12.40 «Эй, Арнольд!».
13.05 «Дикая семейка Торнберри».
13.30 Телемагазин.
14.00 «ДЕВСТВЕННОЦА». Сериал.
15.00, 20.00 Реалити-шоу [ОФИС].
16.00, 21.00, 0.40 «Дом-2. Новая любовь!»
17.00 «Школа ремонта».
18.00 «Запретная зона».
19.00 Такси.
19.30, 1.10 Москва: инструкция по применению.
22.00 Комедия «СТРАХ И НЕНАВИСТЬ В ЛАС-ВЕГАСЕ».
1.55 «НЕ ГОВОРИТЕ МАМЕ, ЧТО НЯНЯ СДОХЛА». Комедия.


СТС

8.00 «МЕДИКИ». Сериал
8.40 - 9.00 Мультфильмы.
9.30, 21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал
11.00 Истории в деталях.
11.28, 21.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
11.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
12.00 Кино «СЕРДЦЕЕДКИ».
14.30 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Сериал
15.30 - 17.30 Мультфильмы.
18.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕЙ». Сериал
19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Сериал
20.30 Комедия «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
21.30, 1.20 Истории в деталях.
22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал
23.00 Кино «ДИКОСТЬ».
1.48 Настроение с Евгением Гришковцом.
1.50 Кино «НЕПРОБИВАЕМЫЙ».
3.40 Кино «ЗАКУСОЧНАЯ».
5.20 Кино «НОВЫЙ НАРЯД».
6.50 «Дикая Австралия. На грани выживания». Док. фильм.

7 ТВ

7.00 14.30 17.30 23.00 5.00 Конный спорт.
7.30 Акробатический рок-н-ролл.
8.30 Спортивные танцы.
9.30 Веселые старты.
10.00 20.30 21.30 3.30 5.30 Диалоги о рыбалке.
10.30 7 дней спорта.
11.00 3.00 Назло рекордам.
11.10 21.10 Музыкальный трек.
11.30 «ПЕРВАЯ ПЕРЧАТКА». Фильм.
13.00 19.00 23.30 Журнал мирового автоспорта.
13.30 Формула BMW.
15.00 0.10 3.10 NBA Live!
15.10 21.00 4.00 Звезда автоспорта.
15.30 Обзор сезона-2005.
16.30 Ле-Ман. Обзор сезона-2005.
18.00 0.00 2.00 6.00 Звезда автострады.
18.10 2.10 6.10 Дартс. Чемпионат мира.
19.30 1.00 Обзор сезона-2005.
22.00 Серия ДТМ.
0.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
4.10 Покер.

АФРИКА МУАММОСИ



Женева конвенциясига мувофиқ, ҳали 18 ёшга тулмаганлардан ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш тақиқланади, жиноят ҳисобланади. Нюрнбергда бўлиб ўтган халқаро суд жараёнида бундай жиноятчилар ўлимга ҳукм этилган эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирда турли қуролли тузилмалар

таркибида 500 мингга яқин вояга етмаганлар жанг қилишяпти. Жанговар ҳаракатлар чоғида катталар нафақат Женева конвенцияси, ҳатто Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация талабларини ҳам эсларига олишмаяпти.

Конгодаги дала кўмондонларидан бири яқинда уялмай-нетмай

шундай деди: «Болалар — қобилиятли жангчилардир. Чунки улар ўзларини кўрсатгиси келади. Урушни ўйин деб ҳисоблашади, ундан кўрқашмайди». Бошқа бир сардор ундан ҳам ўтиб тушди. «Болалар разведка маълумоти йиғишга уста. Уларни бемалол душман истеҳкомларига юборса бўлади. Ҳеч ким шубҳага бормайди», — деди у. Аммо ҳаёт бу гаплар тўғри эмаслигини кўрсатади. Яқинда Конгодаги қишлоқлардан бирига бостириб кирган жангарилар катталарга қўшиб 10 ёшдан ўтган

Африкадаги кўримсизгина қишлоқ. Пайҳон бўлган экин далалари. Хароба ҳолига келган кулбалар. Кўчада одам тугул, ит зоти ҳам кўринмайди. Чангалзордан қишлоққа кичик автобус ва юк машинаси шитоб билан кириб келади. Улардан қуролланган одамлар тушиб, хонадонларга тарқаб кетади. Кўп ўтмай автоматнинг қисқа тариллаши, йиғи-сиғи, қий-чув овозлари эшитилади. Қуролланган кимсалар 7-10 ёшлардаги болаларни (уларнинг орасида қизлар ҳам бор) мажбурлаб машинага ўтқазиб олиб кетишади. Тез орада ана шу болалар ўқчилар, разведкачилар ва сапёрларга айланишади. Бу даҳшатли фильмдан лавҳа эмас, балки шу кунларда Африканинг бир қатор мамлакатларида юз бериб турган ҳақиқий воқеалардир.

ўсмирларни ҳам қириб ташлашди.

Болалардан йўлларни, далаларни миналардан тозалашда ҳам кенг фойдаланишяпти. Уруш болаларнинг дийдасини қотириб, уларни ваҳшиллаштириб юборади. Жазирда юз берган бир воқеа бунга ёрқин мисол бўла олади. Исёнчилар отряди қишлоқлардан бирига бостириб киради. Жангари ўсмирлар 15 ёшли қизнинг бошини кесиб, копток қилиб тепишади. Конго армиясининг 13 ёшли аскари эса футбол майдонидан рақиб жамоасининг

бир ўйинчисини ваҳшиёна отиб ташлаган.

Франциянинг «Фигаро» газетаси журналистлари Сьерра — Леонадаги баъзи ҳарбий отрядлар аъзоларининг ўртача ёши 14 да эканлигини аниқлашди. Уларнинг аксарияти гиёҳвандга айланиб улгурган экан. Бу мамлакатда ҳатто 5 ёшли бола кўлига

рика мамлакатларининг расмий ҳукуматлари ҳам вояга етмаганларни аскарликка ёллаш билан шугулланар экан. Масалан, Бурундида 15 ёшли, Раунда давлатида эса 16 ёшли ўсмирларни ҳарбий хизматга чақиришга рухсат этилади. Тўғри, бунинг учун уларнинг ота-оналари рози бўлиши керак. Уганда ҳукумати эса ота-оналар рози бўлишса, болаларнинг 13 ёшлигидан қўлларига жанговар қурол олишларига рухсат беради. Хуллас, вояга етмаганларни уруш ба-лосидан асраш Африка қитъасининг аксар мамлакатларида долзарб вазифага, муаммога айланган.




ТЕЗЛИКНИ ОШИРИШ ОҚИБАТИ

Мексиканинг тоғли Сьерра Горда туманида автобус жарга қулаб тушди. Натижада 21 йўловчи ҳаётдан кўз юмди, 16 киши турли даражада тан жароҳати олди. «Ўлганлар орасида турли ёшдагилар бор», — деди полиция вакили. Тахминлардан бирига қараганда, ҳайдовчи тезликни меъёридан ошириб, автобусни бошқара олмай қолган.

Швейцарияда эса 9 ёшли қизнинг айби билан йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. У кўчани кесиб ўтаётган, ўзини атайлаб машина тагига ташлаган. Қизча ҳозир суд қилинган. Унинг отасига катта миқдорда жарима солиниши эҳтимоли бор.

ДАЛАЙ-ЛАМА ДАЪВАТИГА ЖАВОБАН

Яқинда минглаб тибет йўлбарсларининг терилари ёқиб юборилди. Тибетликлар Далай-ламанинг бу қимматбаҳо мўйна контрабандасига чек қўйиш борасидаги чақириғига жавобан шундай иш туттишди. Улар ҳатто эгиларидаги йўлбарс терисидан тикилган кийимларни ҳам гулханга ташлашди.



Далай-лама анчадан буён табиатни асраб, экологиянинг софлигини сақлаш учун курашиб келади. У табиий тери ва мўйнадан тикилган кийимларни киймасликка чақириб халқига бир неча бор муурожаат қилди. Бу буддизм тамойилларига зид эканлигини таъкидлади. Шунингдек, ёввойи ҳайвонлар гўштини истеъмол қилмасликка даъват этди. Аҳоли энди қоплон, тулки мўйналаридан тайёрланган кийимларни ҳам ёқишяпти.

Бутун мамлакат бўйлаб ўтказилган бу тадбир дастлабки натижаларини берапти. Масалан, табиий тери ва мўйнадан қилинган кийимларнинг нархи анча пасайди. Атроф-муҳитни ҳимоя қилувчилар Ҳиндистон ўрмонзорларида йўлбарслар сони кескин камайиб кетаётгани ҳақида ўтган йили бонг уришган эди. Ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш жамиятининг маълумотларига қараганда, ҳозир мамлакатда бор-йўғи 1200 тача йўлбарс қолган. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, улар бутунлай қирилиб кетиши ҳам мумкин.

ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИ

Сомалилик ўн киши кемалардан бирига қуролли ҳужум қилганликда айбланишяпти. Қароқчилар Сомалидан Бирлашган Араб Амирликларига писта кўмир олиб кетаётган кемани эгаллаб олишга уриниб кўришган. Улар ўқ отар қуролларни ишга солиб, кемани эгаллашган ҳам. Аммо ўша яқиндан ўтаётган АҚШ Ҳарбий флотига қарашли фрегат ёрдамга келган. Жиноятчилар қуролсизлангирлиб, Кения ҳокимият вакиллари топширилди.

Юк кемаси капитанининг судда берган кўрсатмасига қараганда, у қутилмаган ҳужумдан гангиб қолган. Рация носозлиги туфайли ёрдам сўраб хабар ҳам юбора олмаган. То бортга америкалик денгизчилар кўтарилгунича экипаж аъзолари трюмга яшириниб, жон сақлашган.

КАШАНДАЛАРГА ҚИЙИН БЎЛАДИ

Буюк Британия парламентининг қуйи палатаси «Саломатлик тўғрисида»ги янги қонун доирасида жамоат жойларида чекишни тақиқлашни ёқлаб овоз беришди. Энди қонун лойиҳаси Лордлар палатасига юборилади. У кучга киргач, биринчи галда Англия ҳудудидаги ресторанлар, қаҳвахоналар, клублар, шунингдек, таълим муассасалари ва касалхоналарида чекиш ман этилади.

Шотландия ва Шимолий Ирландия бундай масалалар бўйича ўз юрисдикциясига эга. Улар жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонунни илгарироқ қабул қилишган эди. Уэльс Ассамблеяси (миллий парламенти) ҳам тақиқни қўллаб-қувватлаши кутуляпти.

Ноттингемшир графлигидаги қаҳвахоналардан бирининг хўжайини телевидениега берган интервьюсида: «Яхши бўлди. Қаҳвахонамизга энди мижозлар болаларини ҳам олиб келишади», — деди.

БАЗАДАГИ ҲОДИСА

НАТОнинг Норвегиядаги ҳарбий базасида оқ кукун солинган конверт ваҳима кўтарилишига сабаб бўлди. Чунки бу кукун куйдирги касаллиги спораси бўлиши мумкин деб тахмин қилинмоқда. Конвертгни қабул қилиб олган ходимага ҳар эҳтимолга қарши профилактик тиббий ёрдам кўрсатилди. Ҳодиса ҳақида полицияга хабар берилди. Шубҳали кукун текшириш учун лабораторияга юборилган.

ТАХМИНЛАР КЎП

Маълумки, 13 февраль кун Москвадаги «Пресса» нашриёти биноси ёниб кетган эди. Давлат ёнгин нazorати бошқармаси бошлиғи Владимир Родиннинг айтишича, бунга техникадан нотўғри фойдаланиш оқибатида қисқа туташув юз бериши ёки ўчирилмаган сигарет қолдиғи сабаб бўлганлиги эҳтимоли бор. Бинога биров атайлаб ўт қўйган бўлиши ҳам мумкин. Ёнгин етти қаватли бинонинг олтинчи қаватида келиб чиққан. Уни ўз вақтида ўчиришнинг иложи бўлмаган. Оқибатда бир аёл ҳаётдан кўз юмган, икки киши касалхонага ётқизилган. Бинода «Комсомольская правда», «Парламентская газета», «Российская газета» каби нашрларнинг таҳририятлари жойлашган эди.

Юз берган ҳодисага қарамай аксар газеталар олатдагидан кичикроқ ҳажмда бўлса-да, ўз вақтида чиқди. Фақат «Комсомольская правда»нинг таъсис этилганидан бошлаб барча сонлари сақланаётган ноёб архиви куйиб кул бўлди.





«ҚАТЛАМА ЎРАЛГАН ГАЗЕТА ЁДИМДАН ЧИҚМАЙДИ»

Ўзбекистон халқ артисти
Муҳаммадсоли Юсунов билан суҳбат.

— Муҳаммадсоли ака, аввало, ўзингиз ўсиб-ўлғайган муҳит, санъатга кириб келишингизгача бўлган давр ҳақида гапириб берсангиз.

— Ёшлигим оддий қишлоқ йигитларидай сода ва мазмунли саргузаштларга бой тарзда ўтган. Синфдошлар ўртасида қизиқчилик қилиб, аския айтиб юрардим. Мактабда мендан яхшигина артист чиқишини башорат қилишарди. Хайрулла Саъдиевнинг «Шум бола» спектаклидаги ижроси менда чуқур таассурот қолдирган. Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Садриддин Зиёвуддиновлар иштирокидаги «Телеминиатюралар театри»ни томоша қилиб, эртаси кунни мактабда ижро этиб берардим. Ёшлигимдан санъатга қизиқсам-да, аслида шифокор ёки ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим.

Мактабни битиргач, шифокор бўлиш ниятида дадам билан Самарқанд тиббиёт институтига бордик. Хужжатларимда камчиликлар борлиги учун тезда ортага қайтдик. Кейин дадам: «Ўғлим, Самарқанд ҳам дўхтирларнинг институти бор-ку, ўша ерга боравер», дедилар. Шундан сўнг Андижонга бордим. Кириш имтиҳонларининг охиригидан ўта олмадим. Ҳафсадам пир бўлиб қайтиб келдим. Шунда дадам: «Ҳадеб эзилаверма, ёшсан, ҳали кўп яхши ишларни қиласан. Мен сени бир жойга ишга киритиб қўяман. У ерда йиқилмайсан, фақат олдинга

юрасан», деб Марғилон ипакчилик корхонасига уста ёрдамчиси вазифасига ишга жойлаб қўйдилар. У ерда бир ойча ишлаганимда мавсум бошланиб, бизни пахта тергани олиб чиқишди. Пахта теримида ҳам дам олиш пайтлари «артистик қобилиятимни» кўрсатиб турардим. Кўшиқ, аския, пайров айтишда шерикларим ҳам бўш келишмасди. Ростини санъатга кириб келишимга пахта даласи сабаб бўлиши хаёлимга ҳам келмаган.

Бир кун шерикларимдан бири далага қатлама олиб келди. Қатлама ниҳоятда мазали экан. Қатлама ўралган газетани ўқиб туриб, бир эълонга кўзим тушди. Унда Тошкент театр ва рассомчилик институтининг тийёрлов бўлимига номзодлар қабул қилиш бўйича танлов эълон қилингани тўғрисида ёзилган эди. Худди мана шу ҳолат қалбимда муҳрланиб қолган. Пахта тераётган шерикларим мендан кўра кўпроқ хурсанд бўлдилар. Сен боришинг керак, ҳозир бормасанг кейин кеч бўлади дея, аврашиб уйга жўнатишди. Аввалига ота-онам эътироз билдиришди. Лекин амаллаб

уларни кўндирдим-да, Тошкентга йўл олдим. Бу ерда менга ўхшаганлар кўп экан. Шунча талабгорларнинг ичида голиб чиқиб, ўқишга киришимга шубҳаландим. Лекин бор вужудим ва имкониятим билан ҳаракат қилдим, «албатта, киришим шарт» дея ўзимга сўз бердим. Ҳаракатларим зое кетмади. Аввал тийёрлов курси тингловчиси, сўнгра театр ва кино актёри бўлими-

нинг талабасига айландим. Бу ерда таниқли устоз-санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артистлари Арсен Исмоилов, Назира Алиевалардан театр ва кино санъатининг нозик сир-асрорларини, актёрлик маҳоратини кунт билан ўргандим.

Институтни тамомлаб, дастлаб шу ернинг ўзида ёшларга сабоқ бердим. 1979 йилдан эса Фарғона вилоят театридаман.

— Биринчи ижро этган ролларингиз...

— Дастлабки ролларимни институтда ўқиб юрган кезларимда ижро этганман. Француз адаби Эжен Лабишнинг «Мизантроп» комедиясидаги Машауван исми сув ташувчи йигит ҳамда диплом иш ҳисобланган Вильям Шекспирнинг «Қирол Ричард III» трагедиясидаги Ричард III ролларидир.

— Турли дунёқарашдаги ва тошфадаги шахсларнинг образини яратиш ўз-ўзидан бўлмайди. Саҳнада қаҳрамон родини маромига етказиб ижро этиш ва унинг томошабинларга манзур бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Аввало, меҳнатдан қочмаслик

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсунов 1955 йил 1 январда Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Қоғонизар қишлоғида туғилган. Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театри бош режиссёри.

керак. Бир керак бўлса, битта яхлит асарни яратиш машаққати билан тенг бўлган машаққатни бошдан ўтказишга тўғри келади. Саҳна асари ёки кинодаги қайси образ томошабинларда катта таассурот қолдирса, билингки, ўша образ устида актёр кеча-ю, кундуз тинмай изланган, меҳнат қилган. 1984 йили А. Иброҳимовнинг «Бир ўликка бир тирик» асарини саҳналаштирдик.

Ушбу саҳна асарида мен Бухенвальд родини ижро этишим керак эди. У салбий образ бўлса-да, жуда тажрибали шифокор, кардиолог, жарроҳ ҳисобланади. Шу образни яратиш мақсадида, бир-икки ой давомида деярли ҳар кун Фарғона кардиология маркази, вилоят марказий шифонасига бориб, даволаш жараёнини кузатдим. Ҳатто, жарроҳлик опера-

цияларида қатнашдим. Шифокорлар билан суҳбатлашдим. Хуллас, саҳнада образнинг ҳаққоний ва табиий чиқиши учун тинмай уриндим. Ўша йили ана шу қаҳрамоним учун вилоят театрлари ўртасида ўтказилган танловда «Энг яхши эркак роли ижроси учун» мукофотига сазовор бўлдим.

— Лекин «Темир хотин» спектаклидаги Кўчқорбой роли бошқача чиққанди-да...

— Ҳа. Шароф Бошбековнинг бу асарини мен учун, Фарғона театри учун ёзилган деб биларман. «Темир хотин»да ҳамма актёрлар ролларни меъёрига етказиб, табиий ижро этишган. Спектакль театримиз жамоасининг катта ютуғи бўлди, шухрат келтирди. 1988 йили Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозғоғистон театрлари «Наврўз» фестивалининг «Гран-при» мукофотини қўлга киритдик. Мен «Йилнинг энг яхши эркак роли ижроси» номинацияси голиби деб топилдим. Қолаверса, спектаклдаги Кўчқорбой образи учун Давлат мукофоти ҳам сазовор бўлдим. Бу

образнинг тўлақонли яратилишида нафақат менинг меҳнатим, балки режиссёр О. Салимовнинг ижодий изланишлари, бой амалий тажрибаси, қолаверса, Аломатхон, Олимтой ва бошқа образларнинг актёрлар томонидан маромига етказиб ижро этилгани алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

— Шу кунлардаги фаолиятингиз ҳақида тўхталсангиз.

— Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрида бош режиссёрман. Театримиз жамоаси халқимизга манзур бўладиган саҳна асарларини яратиш учун ижодий изланишлар олиб боришмоқда. Сўнгги йиллардаги фаолиятимиз ҳам сермахсул бўлди. Жумладан, Шароф Бошбеков асари асосида яратилган «Тикансиз типратиканлар» номли спектаклимиз «Андижон баҳори» театр фестивали мукофотини олди.

Режиссёрлик билан бирга Фарғона санъат коллежида «Театр санъати мутахассислиги» кафедраси раҳбариман. Шунингдек, Фарғона Давлат универси-

ИЖРО ЭТГАН РОЛЛАРИ:

ТЕАТРДА:

Ў. Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак!» асарида — Мўмин Қобулов; А. Иброҳимовнинг «Бир ўликка бир тирик» спектаклида — Бухенвальд; Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» спектаклида — Кўчқорбой; М. Каримнинг «Диктаторнинг тулпори» спектаклида — Диктатор; Я. Маматхоннов ва С. Қосимовларнинг «Интиқом» спектаклида — Чингизхон; Т. Мирзонинг «Амир Темур ва Тўхтамишхон» асарида — Тўхтамишхон; Й. Сулаймоннинг «Осмоғна сирмаган муҳаббат» пьесасида — Марғиновий; «Тошкентга саёҳат» спектаклида Ҳасанбой ва бошқалар.

КИНОДА:

Д. Салимовнинг «Ҳаёт мазмуни» фильмида — канал қазувчи йигит; Ж. Мусоқовнинг «Бомба» фильмида — Холмат ака; Ш. Бошбековнинг «Масхарабоз» фильмида — Кўчқор ака; Э. Давидовнинг «Яна ўша Насриддин» фильмида — Насриддин Афанди; «Чаён боласи» фильмида — талбиркор; С. Мухторовнинг «Афандининг беш хотини» фильмида — Насриддин Афанди; М. Муҳамедовнинг «Меҳробдан чаён» видеофильмида — Солиҳ маҳдум; Б. Аҳмедовнинг «Бог» фильмида — Ҳикмат ака; М. Мирзааҳмедовнинг «Менинг шотландиялик дўстим» фильмида — от ўғриси ва бошқалар.



«Тошкентга саёҳат» спектаклидан лавҳа.

театрида талабаларга «Маданий талбирлар драматургияси ва режиссура» йўналиши бўйича дарс бераман.

1995 йили театрда кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида «Театр-студия» ташкил қилиб, танлов эълон қилдик. 100 нафардан зиёд номзодлар орасидан 8 нафар йигит-қизни саралаб олиб, улар билан машғулотларни бошладик. Ҳозирги кунда Фарғона санъат коллежида «Мусиқали драма театри актёри» ва «Кўчқорбой театри актёри» йўналишлари бўйича курслар очилган бўлиб, Фарғона ва бошқа вилоятлардан келган, 9-синфни тугатган ўнлаб инқилби йигит-қизларга театр санъати сир-асрорларини ўргатаймиз.

— Ҳар қандай муваффақиятга эришиш учун, аввало, меҳнат, интилиш, қолаверса, муҳит, шароит алоҳида аҳамият касб этади. Эришяётган ютуқларингизни кўпроқ нималарга боғлиқ деб ўйлайсиз?

— Тошкент театр ва рассомчилик институтининг тийёрлов бўлимига киришимга ота-онам дастлаб эътироз билдиришган бўлса-да, танловга кетаётганимда дуо қилиб, омад тилашганди. Уларнинг дуоси ижобат бўлишига чин юракдан ишонгандим. Шу-шу бирор бир жиддий иш бошламоқчи бўлсам, албатта бориб, ота-онамдан дуо оламан. Аввало, барча муваффақиятларимни ота-онамнинг дуолари туфайли деб ўйлайман. Қолаверса, юракдан чиқариб меҳнат қилган, фидойилик,

ҳалоллик билан изланган киши, албатта, муваффақиятга эришади. Шароит ва муҳитни эса одам ўзи яратиши керак. Айниқса, оиладаги муҳит кўп нарсани ҳал қилади. Турмуш ўртоғим Саломатхон Тожиева ҳам санъаткор. Фарғона санъат коллежида актёрлик маҳоратидан ёшларга сабоқ беради. Аслида барча ютуқларим унинг ҳам ютуғи, ҳар бир ижодий ишимда турмуш ўртоғим менга энг яқин маслаҳатчи, маслакдош. Биргаликда 5 нафар фарзандни тарбиялаяпмиз. Ўғлим Сарвар Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олмақда. Хуллас, оилам ютуқларимга пойдевор қўйиладиган муқаддас маскан.

— Одамлардаги қайси хислатларни хурмат қиласиз?

— Оққўнғиллик, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш, душманга ҳам яхшилик қилиш, ёлғон гапирмаслик.

— Муштарийларга тилакларингиз.

— Аввало, ижодий жамоага, газета орқали республикамизнинг барча осойишталик посбонлари, муштарийларга тилагим: саломат бўлишсин. Хонадонларида тўйлар, яхши кунлар кўп бўлсин. Юртимиз тинч бўлиб, осойишталикни таъминлашга ҳисса қўшаётган ҳар бир киши муродида етсин.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Бўрибой ОМОНЗОДА.



«Темир хотин» спектаклидан лавҳа.

VAQTINGNI SARFLA, AQLINGNI CHARXLA

A								
V								
T								
O								
M								
O								
B								
I								
L								

- 1) Davlat nomi.
 - 2) Transport turi.
 - 3) O'zbekiston poytaxti.
 - 4) Rossiya teleminorasi.
 - 5) Avtomobil.
 - 6) Toza.
 - 7) Viloyat nomi.
 - 8) Samarqand viloyatidagi tuman.
 - 9) Oshxona anjomi.
- NURIDDIN tuzdi.



Ayiqcha olmaga yetish uchun qaysi yo'ldan yurishi kerak

BILASIZMI?

Kompyuter o'yinlari bolalarga qanday ta'sir qiladi? Ushbu savol butun dunyo olimlarini o'ylantirib kelmoqda. Angliya olimlari kompyuter o'yini bolalarning aqliy rivojlanishida foydali degan fikrga kelishdi. Video o'yinlari ularning so'z va tovushlarni to'g'ri talaffuz qilishga o'rgatar ekan. O'yinlardagi ovozlarning bolalarning eshitish qobiliyatini yaxshilarkan. Ammo o'ynaganda me'yorga amal qilmaslik yomon oqibatlarga olib kelishini ham unutmaslik lozim.



QIZGINA
Qarashlari beg'ubor, Qiziquvchan qizgina, Bolalikning baxt izlar yo'llarida turibsan.

Tiyrak ko'zlaring uqib olaqolsin tezgina, tilsimlarni tilimlab baxt kalitin va ko'rsin:

Olam juda keng ammo bizning kosmos asrda bor-yo'g'i to'qson minut, to'qson minutlik yo'ldir.

Buyuk hamda suyuk bu ona yerni asrashda shunday tiyrak ko'z bilan hamisha sergak bo'lg'in!
Umida ABDUAZIMOVA.

MUSHUKCHAM

Mushugim momiqqina, Itimga miyovlaydi. Nechun undan qochadi, Chaqqon, sichqon ovlaydi.

Do'st bo'lganmiz ikkimiz, So'zimga quloq tutar. Maktabdan kelgunimcha, Yo'llarimga ko'z tikar.

Itimni erkalasam, Qizg'onadi hoynahoy. Tinmay suykalaverar, Ismi esa Momiqoy.

Farangiz ISHBAEVA,
Kattaqo'rg'on shahridagi Nodirabegim nomli 6-o'rta maktabning 5 -sinf o'quvchisi.

Botir								Ichra	
Inoq	Sab-zavot		Sigir		Tutun			Usta asbobi	
			Olam						Nota
Yo'q aksi		Tok, elektr	Rus avto	Bol	Tojikcha ikki			Yoki	O'rta
Ma!		Oz						Mato turi	
Sobiq o'yinchi	Shoira	Mohir			She'r vazni	Yuk avto turi	Bet	Olim	
					Xayron				
Kukun turi	Lahza		Tezkor				Beruniy		...oq
	Oqil			Asos		Picha			
			Orom	...sirim					Asorat
	Onalar qo'shig'i	Xohish				Italiya	Ishora		
		Ong		Laos puli	Cholg'u asbobi			Kam	

Tuzuvchi: Javlon FARMONOV

OYIMNING AYTGANLARIDAN CHIQSAM...

Men har kungiday maktabdan uyga keldim. Uyda oyim issiqqina ovqat tayyorlab turgan ekanlar. Qornimni to'yg'azib ko'chaga ketayotgan edim. Oyim menga:

- Qayerga ketayapsan, bolam,-dedilar.

Shunda men:

- Ko'chaga chiqib ozgina o'ynab kelay, - desam, oyim norozi ohangda: - Oldin do'konga chiqib non olib kelgin. So'ngra darslaringni qilib ol, ko'cha qochib ketmaydi, - deganlaricha qovoqlarini soldilar.

Men oyoq kiyimimning nonni o'zingiz olib kela bugun kam edi. Keyinroq ulguraman-da, ularning qilganimcha ko'chaga Ko'chaga chiqsam o'ynashayotgan ekan. qo'shildim. Futbol koptok tikanli o't yoniga oldin kelganim bois koptokni oyog'imga tikan kirib ketdi. Voy-voylab o'tirib qoldim. urinmasinlar tikanni sug'urib

ipini boylab, - E-y-y oyi qoling. Darslar ham kelib hammasiga gaplariga qarshilik otilib chiqib ketdim. bolalar futbol Men ham ularga o'ynab turganimizda tushdi. Hammadan bir tepgan edim, Rosa jonim og'ridi. O'rtoqlarim qancha o'lmadilar.

Qaytanga ichkariga kirgazib yubordilar. Og'riq zo'ridan uyga yig'lab kirdim. Oyim: - Nima bo'ldi?-deganlaricha yonimga yugurib keldilar. Men va o'rtoqlarim shuncha urinib uddalay olmagan ishni oyim bir urinishda sug'urib oldilar. Oyog'imdagi og'riq tezda to'xtadi. Og'riq to'xtagandan so'ng men o'ylab qoldim. Agar oyimning so'zlariga quloq solganimda shunday bo'lmasdi. Bu voqea menga saboq bo'ldi. Endi oyimning aytganlaridan chiqmayman.

Umid TURSUNOV,
Shayhontoxur tumani 316-maktab 8-«G» sinf o'quvchisi.

Ватан остонадан, ҳовли бўсағадан, оила совчиликдан бошланади. Совчи икки хонадонга қариндошлик иплари-ни боғлашга даъват этилган кишидир. Совчи камида икки, йўқса уч-тўрт кишидан иборат бўлиб, икки жинсдаги эркак ва аёл совчилар ҳам бор. Ҳар икки тўп алоҳида, мустақил ҳаракат қилади.

Одатда совчилар кайвони, эл орасида обрў-эътиборли, тагли-тугли, оқилу фозил кишилардан танланади. Чунки уларнинг вази-фаси оғир, масъулиятли. Совчи-нинг гап сўзи мантиқли, ишонар-ли, тош босадиган, залворли бўлмоғи лозим.

Совчилар йигитнинг оиласи номидан қизниқига, бўлажак ке-линниқига элчилик қилиб, унинг қўлини сўраб боришади. Умр сав-досининг пишиш-пишмаслиги, аввало, куёв бўлмишининг ўзи, ота-онаси, қариндош-уруғи, қолаверса, совчиларнинг маҳора-ту тажрибасига, куда бўлмишлар кўнгил қулфига калит сола оли-шига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айна пайтда ўз вазифаларининг бутун масъулиятини бўйнига олган бун-дай кишилар, ҳар икки оилани, уларнинг фарзандларини яхши билганлар. Билишмаса, сўраб-су-риштиришган. Муайян тасаввур ҳосил қилгач, ундан сўнг вази-фаларига киришишганлар. Бўлма-са, бировнинг гулдек фарзанди (Боши ўтган сонларда).

умрига зомин бўлиб, бир томонни ўтдай куйдириб, бир умр ўзгалар домон-гирлигида яшашни катта гуноҳ деб би-лишган.

Совчилар «қизи борнинг нози бор» деган нақлга

СОВЧИЛИК

амал қилиб, вақт ўтказиб, келин бўлмишниқига уч-тўрт марта бо-радилар. Одатда совчиликдан қайтган мутасаддиларни «бўрими ё тулки» деб қарши олинади. Агар улар ишни ўринлатиб, хушхабар билан қайтишган бўлса, совчилар «бўри» деб жавоб қилишади. Бу гал иш пишмаган бўлса, «тулки» де-йишади.

Аёл совчилар ҳам қизнинг «ос-тонасини чуқтирадилар». Йигит билан қизниқига бўзчининг мо-

кисидек қатнайвериб, ковушлар-ини тўзитадилар. Аёл ва эркак совчиларнинг мақсадлари рўёбга чиққач, ўша заҳотиёқ нон синди-рилади. Яъни, «нон синдириш» фотиҳа билан совчилик таомила ўз вазифасини ўтаб бўлади.

Ҳолва — кўпична, гўдаклиқдан қиз болага нисбат берилади. Вақт ўтиб, унга совчи келиши, фотиҳа ўқилиши, ҳолваю патир ушатилиши кўзда тутилиб, шундай дейилади.

Илгари замонларда совчилар

қизниқига тўппадан-тўғри, дабду-рустан кириб боришни одат қил-маганлар. Аёл совчилардан бири тонг саҳардаёқ, ҳали ҳамма уй-қуда эканлигида қизниқига бо-риб, унинг остонаси остини супуриб қайтган. Эрталаб туриб бунга кўзи тушган ота-оналар нима воқеа эканлигини англаш-ган, ўзларини билма-ганликка солиб, зим-дан тайёргарлик кўра бошлашган. Сўраб ке-лиши эҳтимоли бўлган хонадонларнинг аҳвол-руҳияси билан ҳам киши билмас танишиб

шитиб қўядилар. Иккинчидан, совчиларнинг танишув, синов, ўрганув вазифаларини ўзникилар, ота-оналар, амма-хола, опа-янга-лар ўз зиммаларига олганлар. Улар келиннинг, келин яқинлари эса куёвнинг аслини, авлоду зурёди-ни, таг-тугини суриштириб ўрғи-ниб чиқадилар. Бунинг учун ма-ҳалла, қўни-қўшни аҳлининг фикру маслаҳати ё ўқиш, ё иш жойидаги бу ёшга берилган баҳо катта аҳамият касб этади.

Кўтаришиб тугулларини Кириб келди уйга совчилар. Сўзга чечан, аврашга уста Бироз айёр, бироз лофчилар.

Чой ичишиб бир пиёладан, Сўз очиди куёв боладан. Мусичадай беозор, ювош Тили ширин зўр қайнонадан.

Зап хунарманд, мулла дейишди, Ғирт безори болаларини. Обрўсини рўқач қилишди, Сўнг аммаю, холаларини.

Эркакгина жайрон эдима, Тилло занжир солиб кетишди. Айлантириб онам бошини, Мени бошим боғлаб кетишди.

Қиз боладир палахмон тоши, Мен нима ҳам қила оламан. Келин бўлай, бор аламинни, Ўша безоридан оламан...

(Давоми бор).

Шавкий (Ўзбек шоири)										Футбол кувончи		Егач қулф Тўппи спорт
			Пайт	Олов		Мой модда			Заргарлик тоши	Мақом		
			Билим-дон дёл							Гина		
			Кисм					Ёғду	Содда			
		Дўст	Мурват	Муас-саса						Мебель		
	Ранг							Ез элчиси	Ҳарбий қисм	Касал-лик		Ишора ҳара-хати
		Каттик металл	Теб-кари							Энг узун дарё		
Мас-қан жой		Хўл										
	Само кўрки	Ило-ҳиёт					Доналик					
							Аёл исми					
			Карз маблаг	Беда киркади	Иш мўл-жали	Ҳашл-рот	Бўйси-нувчи					
			Эшит-мас		Хуфёна		Нота					
		Ирок дарёси			Дунё томони							
		Каро-кина Бол.	Харажат рунхати	Гул	Нота	Новвой анжоми						
	Тикиш асбоби	Само-лёт маркаси		Афсона			Аёл исми					
			Вақт ўлчови	Ҳажвий томоша	Янги алиф-бомбиз					Локиза		Ўзбек шашка-чиси
			Босма нашр тури	Ойна кесувчи асбоб	Рост	Табобат рамзи				Мухтор (адиб)		Касида
							Иш ҳайвони	Жаро-хат				Ҳарир мато
			Хайрон	рост (китоб-бий)		Тошон				Мева етилган давр		
						Футбол кироли	Камёб жони-вор	Қабохат	Кимё-вий модда	Танти инсон		Салмоқ
								Зира-вор гйёҳ				
Само қатлами												
	Муъ-табар оғулик	Музаф-фар								Тиниш белги		
					Футбол ватани	Ҳам-маси						Дўст
					Сер-илдиз ўт					Куч-манчи халқ	Араб харфи	Авто пойга
				Маъдан			Шамол берувчи					
	Америка тоғлиги					Абду-райимов	Тупроқ	Аланга	Мавжуд	Кўхна сарой	Бўй	
	Шоҳмот ҳолати	Евро-пача ракс	Ноги-рон	Ҳабар	Сув ҳолати					Опера қисми		
	Тавсия, намо-йиш	Ҳаёт ўлчови	Бог-ловчи			Тошкент виллояти шажри	Мусиқа асар қисми			Пай-гамбар	Кумир тури	Орзу
					Куруқ мева					Донли экин		

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

ГУРУЧ

(Боши ўтган сонларда).

Ишларнинг бароридан келишидан нишона. Дехқонлар учун баракали ҳосил, тановул қилин-са — тинчлик-хотиржамлик. Аёл киши гуруч кўрса — меҳнатдан келадиган бойликни билдиради.

ГАРМДОРИ

Кўм-кўк бўлиб ўсгани — мақсад сари инти-лишда ишларнинг ўз маромида кетиши. Қип-қизил гармдори — оғир меҳнат орқали келадиган ҳосил, даромаддир. Гармдори чайнаганда оғиз ачиши — ўтган ишлардан афсусланиш, ҳиз-матидаги ва хонадондаги нотинчликлар алома-ти. Оғиз ачишишни қолдиришга интилиш ва бунинг учун ҳеч нарса тополмаслик — барча ишлари чапчасига кетиб, ташвишда қолиш. Гармдори чайнаганда оғзи ачимаслик — омадга эга бўлиш, ҳаёти ва ишининг бир маромда бо-риши белгиси.

ГУЛЛАГАН БОҒ

Баҳорда кўрилса — аёло кайфият, хушха-бар, муҳаббат, қутилмаган бахт, омад, иш-ларда барака. Мевали дарахтнинг гуллагани-ни кўриш — катта даромадли ишларнинг қисқа вақт ичида муваффақият билан якунланиши, хонадонда — тинчлик-хотиржамлик, фаро-вонлик, фарзандлари учун сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва уларга яхши тарбия берилаётгани-ни билдиради. Гуллаган боғнинг кесилган-ини кўриш — қутилмаган ташвиш, йўқотиш. Бундай туш соҳиби садақа бериши ва ибодат қилиб, Аллоҳга илтижо этиши керак.

ГҲНГ

Кийимга ёки танага одам нажаси тегса — даромад. Чирган гўнг — берилган қарзларнинг қайтиши. Даладаги гўнг уюми — сизни қутиб турган катта даромадли ишлар. Экинзор ичида-ги гўнг — дехқон учун мўл ҳосил олиш йили.

ГУГУРТ

Хавfli душман белгиси. Эҳтиётингизни қилинг.

ГИЛАМ

Гилам устида юриш ёки ўтириш — марта-ба, амал. Гиламлар билан безатилган уй — яқин кунларда омад келиши, тўкин-сочин ҳаётнинг бошланишини билдиради. Бундай тушни қиз-лар кўрса — ҳаётларида кўп яхшиликлар ке-лади ва бахт эгаси бўлади. Суратли гилам кўриш — ният-мақсаднинг амалга ошишини билдиради. Гилам сотса — зиён кўради. Харид қилса-қўшимча даромад келади.

(Давоми бор).

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН ЦИКЛОСKANBOPДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Сатр. Форс. Орол. Нома. Агра. Того. Амал. Расм. Лола. «Наво». Арча. Чора. Лафз. Синф. Оила. Аваз. Алла. Лаос. Доза. Саңд. Даро. Заир. «Урал». Мусо. Панд. Сурп. Орзу. Рига. Ринг. Олим. Соат. Рост. Тоза. Арпа. Наср. «Лада».

«ПАХТАКОР»ЧИЛАР МАТОНАТИ

Маълумки, «Копна Карневале» турнирида бутун Осиё қитъаси номидан юртимизнинг «Пахтакор» жамоаси иштирок этяпти. Турнирнинг биринчи турида беллашган «Пахтакор» ҳамда Италиянинг «Ливорно» жамоалари ўртасида ўтказилган ўйинда футбол тарихида деярли учрамаган воқеалар юз берди.

Ўйиннинг олтинчи дақиқасида ҳисобни Анзур Исмоилов очади. Йигирма бешинчи дақиқасида эса, тўп Анзурнинг қорнига келиб текканига қарамасдан ҳакам «қўли билан ўйнаганликда айблаб» унга сариқ карточка кўрсатади. Футболчимиз учун бу иккинчиси бўлгани боис, майдондан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бу етмагандай ҳакам жарима тўпи тепишни белгилайди. Дарвозабон Элдор Тожибоев маҳорат кўрсатиб тўпни қайтаради. «Пахтакор»чилар энди ўн киши бўлиб рақибга қарши курашадилар. Ўйиннинг ўттиз саккизинчи дақиқасида эса италиялик ҳакам Бьетолоне асосиз равишда яна «Пахтакор» дарвозасига 11 метрли жарима тўпи белгилайди. Бундан қарантки,

Элдор бу гал ҳам жамоадошларини голдан қутқариб қолади.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида ҳакам юртдошлари томонига умуман ўтиб олганини намойиш қилади. Олтмишинчи дақиқада рақиблардан бири

Садриддин Абдуллаевни чиганоғи билан очикчасига урганида, ҳакам италияликка қўшиб Садриддинни ҳам майдондан четлатади. «Пахтакор»чилар энди майдонда тўққиз киши қолади.

Ўйиннинг тўқсонинчи



дақиқасида ҳакам яна бир «хунарини» ишга солиб, Клецковни майдондан четлатади. Юртдошларига имкон яратиб пенальти ҳам белгилайди. Бу гал ҳам мард ўғлонимиз Элдор Тожибоев қаҳрамонлик кўрсатиб, бурчакка тепилган тўпни қайтаришга муваффақ бўлади. Кўнгли тўлмаган ҳакам италияликлар лоақал битта тўп урар деган ниятда нақ 12 дақиқа кўшимча вақт белгилайди. Бироқ «Пахтакор»чиларнинг матонати туфайли дарвоза дахлсиз қолади. Қаттиқ қаршилиқ ва қийинчиликларга қарамай юртдошларимиз ғалаба билан майдондан мардона чиқиб кетишти.

«Пахтакор» жамоаси билан бир гуруҳда бўлган «Нафтекс Померие» ва «Модерна» учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Шундай қилиб «Пахтакор» ўз гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.

Шу ўринда «Пахтакор» жамоаси, айниқса дарвозабон Элдор Тожибоев ҳақида хорижий давлатларнинг спорт газеталарида илиқ гаплар қайд этилганини айтиб ўтиш жоиз.

«НЕФТЧИ» ТЕРМА ЖАМОАНИ ЕНГДИ

Ўзбекистон терма жамоаси Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси билан ўртоқлик -назорат учрашувини ўтказди ва 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Маълумки, терма жамоамиз аъзолари Бирлашган Араб Амирликларида машғулотлар ўтказмоқда. БААда ташкил этилган йиғинда 25 нафар футболчи қатнашмоқда.

Терма жамоа бош мураббийи Валерий Непомняший 22 февраль куни Бангладеш терма жамоасига қарши майдонга тушиши мумкин бўлган футболчиларни бирма-бир синовдан ўтказмоқда. «Нефтчи»га қарши кечган ўйинда икки таркиб билан ўйнаган терма жамоамиз биринчи бўлиб ҳисобни очди. Анвар Солиев томонидан киритилган тўпга «Нефтчи» аъзолари Санжар Асқаралиев ва Азиз Ибрагимовлар жавоб қайтарди.



ЧЕМПИОН БЎЛИБ ХАЙРЛАШДИЛАР

Фигурали учуш бўйича Турин олимпиадасининг чемпиони Татьяна Тотьмянина ҳамда Максим Марининлар ҳаваскор спортчилик фаолиятини якунлашини эълон қилган.

— Бугунги иштирокимиз ҳаваскорлар мақомидаги сўнги чиқишимиз бўлиб қолади. Ғалаба сари йўл биз учун осон кечгани йўқ. Бор кучимизни аямадик. Шоҳсупада туриб йиғламасликка сўз бергандим, бироқ бунинг иложи бўлмади, — деган матбуот анжуманида Татьяна Тотьмянина. — Ҳамма кўриб турибди, бу қандай хавфли спорт тури эканлигини. Машғулотларда ҳам муз устига йиқилиб тушиш ҳолла-

ри кўп марта содир бўлади. Бундан муҳлислар кўрмайди. Улар ўйлашадик, фигурали учуш — бир-бирини қўлидан ушлаб олган жуфтликларнинг рақси, гўё.

Ўз навбатида унинг шериги Максим Маринин шундай деган: «Тарих саҳифаларидан ўрин олганлигимдан мамнунман. Кўпчилик Олимпиада чемпиони бўлишни орзу қилади. Бироқ бу иш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.»

Ўзбекистон терма жамоаси ФИФА ташкилоти томонидан эълон қилинган навбатдаги рейтинг жадвалида икки ўрин пастга тушди. Ўтган ойдаги кўрсаткич 59-ўрин бўлганди.

ИККИ ПОҒОНА ПАСТГА

Шундай бўлса-да, терма жамоамиз Марказий Осиё минтақасида энг кучли жамоа бўлиб турибди. Кейинги ўринларни Туркменистон (116-ўринда), Қозоғистон (137-ўрин), Тожикистон (141-ўрин), Қирғизистон (159-ўрин) терма жамоалари банд этишган. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида терма жамоамиз Россия ва Украина терма жамоаларидан сўнг учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Осиё минтақаси бўйича эса, юртимиз вакиллари Япония, Эрон, Корея сингари кучли терма жамоалардан сўнг 8-ўринда бормоқда.

Умумий рўйхатнинг юқори қисмида ўзгаришлар йўқ. Кучли бешлик ҳамон сақланиб қолган. Карвонбошилиқ қилаётган Бразилия ортидан Чехия, Голландия, Аргентина ва Франция терма жамоалари жой эгаллаган.

Россиялик жуфтлик эркин ва қисқа дастурлар бўйича 204,48 балл жамғариб, хитойлик Чжан ва Чжао жуфтлигини ортда қолдирди. Дарвоқе, хитойлик спортчилар иштироки давомида кўпол хатога йўл қўйди. Дастур бўйича шеригини осмонга улоқтирган Чжао, уни ушлаб қолишининг улдасидан чиқа олмади. Бир зум музда қолган Чжан иродасини намойиш этиб, қатнашувини давом эттирди.

Ҳакамлар бу ҳолни «қалтис дастурдаги қутилмаган воқеа» дея баҳолашди ва бу жуфтликка иккинчи ўринни лозим топиди. Учунчи ўрин ҳам Чин юрти вакилларига насиб этди.

«МАШЪАЛ» МАЛАЙЗИЯДА
Муборакнинг «Машъал» жамоаси Осиё Чемпионлар лигасида иштирок этишидан хабарингиз бор. Виктор Жалиловнинг шогирдлари ўқув-йиғин машғулотларини Малайзияда олиб боришмоқда. Ҳамюртларимиз малайзияликлар билан ўртоқлик учрашувлари ҳам ўтказишяпти. Мамлакатнинг ёшлар терма жамоаси билан ўтган учрашувда мубораклик футболчилар 4:2 ҳисобида устун келдилар.

ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

РОССИЯЛИКЛАР ИККИНЧИ ЎРИНДА



Италиянинг Турин шаҳрида давом этаётган қишки олимпиада ўйинларида дастлабки медаллар ўз эгаларини топмоқда. Ҳозирча ушбу рўйхатда 6 та олтин, 2 та кумуш ва 1 бронза медалларни қўлга киритган америкалик спортчилар етакчилик қилиб турибди.

АҚШ	6	2	1	9
Россия	5	2	4	11
Германия	5	4	1	10
Австрия	3	2	1	6

ШАХМАТ

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари - Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон шахмат федерациялари президентлари ва бош котибларининг Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) вице-президенти З.Азмайпарашвили (Грузия) ва мазкур ташкилот бош котиби И.Леонг (Сингапур) билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ҳам минтақада, ҳам дунё миқёсида шахматни ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда ва умуман Марказий Осиё минтақасида шахматни ривожлантиришга қаратаётган эътибори ва саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бердилар. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон вакили Р.Қосимжоновга 2004 йилда жаҳон чемпиони бўлиш ҳамда Ўзбекистон терма жамоасига шахмат олимпиадасида кумуш медалларни қўлга киритиш имконини берди.

Ўзбекистон шахмат федерацияси ташаббусига кўра Тошкентда 2006 йил август ойининг иккинчи ярмида дунёнинг етакчи шахматчилари иштирокида Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган халқаро опен-турнир ўтказишга қарор қилинди. ФИДЕ вакиллари бу мусобақаларни ташкил этишда ёрдам кўрсатишларини билдирди.

БОКС

БОКСЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Профессионал боксинг энг нуфузли йўналишларидан бири - Жаҳон бокс ташкилоти — WBO профессионал боксчиларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Янги рўйхатда ўта оғир вазнли профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпионлиги камари америкалик Леймон Брюстерга тегишли экани қайд этилган. Чемпионлик камарига даъвогарлик қилиш ҳуқуқини берадиган рейтинг жадвалининг биринчи поғонасини украиналик Владимир Кличко эгаллаб турибди. Шунингдек, кучли учликдан АҚШнинг яна бир вакили — Жеймс Тони ва германиялик Луан Красничий ҳам жой олган.

Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Айниқса, ўта оғир вазнли боксчилар ўртасида кам сонли енгилмас боксчилардан ҳисобланган Руслан Чагаевни Жаҳон бокс ташкилоти мутасаддилари ўта оғир вазнли боксчилар рейтингига еттинчи поғонага жойлаштирди.

Руслан профессионал боксинг яна бир нуфузли йўналиши — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) рейтингига ҳам энг кучли ўн беш нафар ўта оғир вазнли боксчилар рўйхатига киритилган.

Бундан ташқари, WBA рейтинг жадвалида ярим ўрта вазн — 66,6 килограммгача тош босадиган боксчилар ўртасида яна бир ўзбекистонлик енгилмас боксчи Фарҳод Бакиров ҳам еттинчи поғонадан жой олган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, полковник **Дилмурод РЎЗИЕВ**ни 50 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва машаққатли хизматларида ютуқлар тилаймиз.

Умрингиз файзиёб, дастурхонингиз тўкин бўлиб, хонадонингиздан хурсандчилик ари-масин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби
* * *

Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи, полковник **Нуриддин УРАЛОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. У кишига узоқ ва мазмунли умр, мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, шарафли ҳамда масъулиятли хизматида улкан ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака ари-масин.

Шаҳар ИИББ ВЕИХЎКМ шахсий таркиби.
* * *

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ ходими, катта сержант **Фотима АЗИЗОВА**ни таваллуд куни билан муборакбод этамиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, кўп йиллар бахтимизга омон бўлиб, даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

Турмуш ўртоғи ва фарзандлари.
* * *

Тошкент вилояти ИИБ МИБ бошқармаси бошлиғи ўринбосари, майор **Қаршивой ҲОТАМОВ**ни таваллуд куни билан табриклаймиз ва узоқ умр, саломатлик, оилавий бахт тилаймиз.

Эҳтиром билан, ҳамкасблари.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги А. Тўлаганов номи 7-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Джураева Нодира Зиявиддиновна номига берилган UZA серияли, 084967 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолгани учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Кулгу саломатликдан нишона

ОБ - ҲАВО

Муҳим хабар: 18-19 февраль кунлари Ўзбекистоннинг барча худудида ёмғир ёғади.

Шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-20 метрга етади.

Тоғли туманларда қор кўчиш хавфи бор. Баъзи жойларда туман тушади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 15-20 метрга етади.

Кундузи 0-5 даража иссиқ бўлади.

18 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади.

Фарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кундузи 12-14 даража иссиқ бўлади.

(ЎЗА).

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

МЕН ЎҒРИ БЎЛГАНДА ОЙ ОЙДИН БЎЛДИ

Вариант: «Қачон мен ўғриликка чиққанда Ой яқти бўлади» (яқти – ёқти, ёруғ); «Ойдин – ўғрининг душмани» деган мақол ҳам бор. Баъзан киши бир иш қиладиган бўлганда шунга монелик бир нарса пайдо бўлади-да, иши рўёбга чиқмай қолади. Мазкур мақолни шундай пайтда ишлатадилар.

МЕНДАН КЕТГУНЧА, ЭГАСИГА ЕТГУНЧА

Вариант: «Кўлдан кетгунча, эгасига етгунча»; «Биздан кетгунча, уйига етгунча». Бу мақолларни харамзалик, кўзбўямачилик, пала-партишлик билан наридандан-бери иш қилиб, «усту ялтироқ, ичи қалтироқ» нарса тайёрлаб, тезроқ пулни ундириш ниятда бўлган кишиларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

МЕРОСДАН МУШТ ТЕГСА ҲАМ – ОЛ!

Бу билан: «Ота-онангдан қоладиган меросдан сенга нимаики тегадиган бўлса, ўшанга кўниб, қаноат қилиб, олавер. Э, менга анови нарса тегмади, манови нарса тегмади, деб аразлаб, туғишганларинг билан тумшайишиб, хафалашиб, қолаверса, урушиб-жанжаллашиб юрма!» деган маънода насихат қиладилар.

МЕХР ТЕМИРНИ ЭРИТАР, ҚАХР ТОШНИ ЁРАР

Вариант: «Мехр тошқини – дарёдан кучли»; «Кулф – ўғри учун, меҳр – тўғри учун»; «Мехр – икки кўзда»; «Юз-юзга тушар, меҳр – кўзга»; «Умр йўлдошининг маҳрига боқма, меҳрига боқ» (маҳр – никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк).

МИНГТА ЎЛИКДАН БИТТА ТИРИК АФЗАЛ

Вариант: «Мингта ўликнинг ибодатидан – битта тирикнинг зиёрати афзал». Халқимизда байрам, ҳайит кезларида мазоротларга бориб, ўлганларнинг руҳини шод қилмоқ мақсадида уларни зиёрат қилиш одати бор. Мазкур мақоллар билан: «Бу одат яхши. Лекин марҳумларга нафл-намозлар ўқиб, ибодат қилгандан – тирик одамни (бемор ётганларни, қари-яларни, ғариб-мискинларни, бошига оғир мусибат тушганларни) зиёрат қилиш, кўнглини олиш янада афзалроқ», дейилмоқчи. Вариант: «Бир кўнгил иморати – минг Макка зиёрати».

МИНОРА СОЛГАН – МИНОРА БЎЙИ ЧУҚУР ҚАЗИР

Одатда минорани қанча баланд қилсалар, пой-деворини шунча чуқур қилганлар. Бу – мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Хоҳ иморат қуришда бўлсин, хоҳ бошқа ишда бўлсин – ҳар бир нарсани, ҳар бир ишни пухта, чидамли, пойдеворини мустақкам қилиш зарур», дейилмоқчи.

МИТАНИНГ ЁМОНИ ТЕГИРМОНДАН БУТУН ЧИҚАДИ

(Мита – донга тушадиган зараркунанда курт). Уни мажозда кишилик жамиятидаги дилгир, дилозор, айёр, зараркунанда одамларга ташбиҳ этадилар. Мазкур мақол билан: «Бунда одамлар шу қадар айёр, жони қаттиқ яшовчан бўладиларки, ҳатто энг қаттиқ тафтишу таъқиблардан, аёвсиз қийноқлардан ҳам устомонлик, муғомбирлик, ҳийлакорлик билан қочиб, қутулиб қоладилар», дейилмоқчи.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ. 21 март – 20 апрель



Ижод билан машғул бўлиш учун қулай давр. Нохуш вазиятларга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Белгиланган режаларни амалга оширишга астойдил киришишни маслаҳат берамиз. Амалий шерикларингиз билан ўзаро ҳамкорликда иш тутганингиз маъқул.

СИГИР. 21 апрель – 20 май



Ушбу ҳафтада барча вазифаларни аниқ режалаштириб олинг. Ҳар қандай масалани бо-сиқлик билан ҳал этишингиз муваффақият келтиради. Дам олиш кунлари асосий вақтингизни дўстлар даврасида ўтказасиз.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь



Мулоқотлар чоғида муомалага алоҳида эътибор беришингизга тўғри келади. Қўлингиздаги маълумотлар ошкор бўлмаслиги учун барча чораларни кўринг. Рақибларингизни доғда қолдириш имконияти бор. Ўзингизга яқин кишилар билан кўнгилли суҳбат қуриш учун қулай даврдир.

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль



Кўзланган мақсадга дадил киришсангиз, муносиб ютуқлар қўлга киритилади. Мавқеингизни яхшилаш ва касб маҳоратингизни оширишингиз аниқ вақти. Амалий шериклар ва ҳамкасблар билан муносабатларда қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август



Хонадонингизда осойишта ҳаёт ҳукм суради. Мабодо, низо келиб чиқса, тезда бартараф этилади. Сешанба куни дўстларингиз кўмагига таяниб иш кўраверинг. Келгусида катта наф келтирадиган таклифлар олишингиз мумкин.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь



Белгиланган ишларни бажариш учун сабр-тоқатли бўлишингизга тўғри келади. Янги вазифаларга киришингиз аниқ вақти. Дўстларингиздан бирига ёрдамнингиз керак бўлиб қолиши мумкин. Дам олиш кунлари уйингиздаги айрим муаммоларни зиммангизга олмангиз маъқул.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь



Ушбу ҳафтада муваффақиятларга эришасиз. Аммо бунинг учун маълум синовлардан ўтишингизга тўғри келади. Ижод аҳли билан кўнгилли мулоқот кайфиятингизни кўтариб юборади. Юмушларни имкон қадар зўриқмай бажаришга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда толиқиб қолишингиз мумкин.

ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь



Мазкур ҳафтада қутилмаган вазият юзага келмаслиги учун тушқунликка тушманг. Кўшимча даромад ишлаб олиш ёки иш жойингизни ўзгартириш имконияти бор. Ўзингизга бўлган ишончсизликни енгиб, олдинга дадил интилишни маслаҳат берамиз.

ЎЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь



Ҳаётингизда ўзгаришлар рўй бериб, муайян ютуқлар қутилмоқда. Кенг кўламли ишларни режалаштирмаганингиз маъқул. Чунки улар амалга ошмай қолиши мумкин. Яқинларингиздан бири маслаҳат сўраб сизга мурожаат қилади. Аввал йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь



Ўзингиздаги иқтидорнинг янги қирраси намоён бўлади. Феълнингизни кенг қилсангиз вазият сиз томонга ўзгариши мумкин. Шанба куни муҳим масалаларни муҳокама этмаганингиз маъқул. Яқинда куни фарзандларингиз билан бирга бўлиб, бир олам қувонч оласиз.

ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль



Кўзлаган барча ишларингиз кўнгилдагидек битади. Қутилмаган вазият юзага келиши мумкин. Шу боис, тезда бир қарорга келишингиз лозим. Ҳужжатлар билан ишлаётганда жуда эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март



Мазкур ҳафта мавқеингизни яхшилаш ва муҳим ишларни бажариш учун қулайдир. Талайгина учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар ва сафарлар қутилмоқда. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дипломатик қобилиятингизни намоён этишингизга тўғри келади.

СОХТА МУҲАББАТ ТҮРИ



Ойсулув кенжа киз бўлгани учунми, ота-онаси унинг раъйига қарар, эркаларди. У ҳаммаша қимматбаҳо кийимлар кийишни истарди. Ойсулув мактабни битириш кечасида синфдошларидан ажралиб турди. У ўша ерда Назар деган йигит билан танишиб қолди. Назар уни суратга туширар, гоҳида хушомад қилиб қўярди. Икковлон бир-бирларини ёқтириб қолишди. Улар аввалгига тўй-томошаларда пинҳона учрашиб юришди, кейинчалик ҳар куни кўришадиган, узоқ суҳбатлашадиган бўлишди.

Ойсулув мактабни тугатгач, уйдан совчилар аримай қолди. У бир куни Назарга кўнглини ёзди.

— Жоним, — деди Ойсулувнинг гапларини диққат билан тинглаган Назар. — Имконим бўлса, шу бугуноқ совчи юборардим. Биласан-ку акам бор. Аввал уни уйлантиришимиз керак.

— Ундай бўлса, мендан ажраб қоласизми, деб қўрқаман, — дея хо муш тортиди Ойсулув.

— Сен ўқишга кир! Онам ҳам ўқиган қизни келин қилишни орзу қилади. Ота-онангга ҳали

ёшман, ўқимоқчиман, дегин. Агар мени ташлаб, бошқа одамга турмушга чиқсанг ўша куни адо бўламан. Мени йўқотиб қўйишинг мумкин.

— Йўқ, сизни асло йўқотмайман, — унинг елкасига бошини қўйди Ойсулув. — Кўнглингиз хотиржам бўлсин.

Ҳалима опа доимо «Қиз сақладинг, ўт сақладинг!» деган ақидага амал қиларди. Шу сабабдан кенжа қизи Ойсулувни ўқитмай, турмушга бермоқчи бўлди. Аммо у кўнмади. Аксинча, ўзбошимчалик қилиб, тиббиёт коллежига ҳужжатларини топширди. Ойсулувнинг гўзаллиги коллеж ўқитувчиси Мухаммад Ортиқовни ўзига мафтун қилиб қўйди. У қизни хилватроқ жойга бошлаб, ёрдам беражагини айтди. Шу тариқа имтихонлардан муваффақиятли ўтган Ойсулув Ортиқовдан ниҳоятда мамнун бўлди.

Ўқишлар бошлангач Назар Ойсулувни кўриш мақсадида коллежга келди. Талабалар билан суҳбатлашиб турган йигитлардан бири:

— Ойсулув кимингиз бўлади? — деб сўради мийиғида қулиб.

— Танишим, — деди Назар унинг кинояли боқишидан асабийлашиб.

— Сиз Ойсулувни танийсизми?

— Уни ким ҳам танимайди, — деди йигит Назарга бошдан-оёқ разм соларкан. — Ортиқовнинг

эркатойи-ку. Бу гапни эшитган Назар каловланиб қолди. Кейин ўзини қўлга олиб сўради:

— Ортиқов дегани ким? Йигит Назарни чеккароққа тортиди.

— Сизга бу гапларни айтишим тўғрими, йўқми, билмайман, — деди у. — Лекин ўзим қулганим билан ичим ўт бўлиб ёнапти. Ота-онам кўз ўнгимда шамдек эришяпти. Опам бизларни куйдириб кетди. Бирор нима қилай десам, гувоҳларим йўқ. Гап шундаки, шу коллежда ўқиган опам унинг найранларига учиб номуси оёқ ости бўлди, кейин ўз жонига қасд қилди. Унинг кундалиги қўлимга тушиб қолди. Бир нечта варағи йиртиб ташланган эди. Аммо сўнгги варағида: «Менинг яшашга ҳаққим йўқ. Ортиқов ёвуз одам» деган сўзлар ёзилганди.

Шу воқеа сабаб бўлдию, ўқитувчи Ортиқовни кузата бошладим. У бир қарашда ўта маданиятли, талабалардан ёрдамини аямайдиган, ширинсўз кишига ўхшайди. Лекин содда, чиройли қизларни осонгина ўз измига солиб, ҳўдлаган ишини қилади. Ойсулув ҳам унинг навбатдаги ўлжасига айлан

ди. Балки ишонмасиз, ҳозир уларнинг қаердалигини ҳам биламан. Хоҳласангиз олиб боришим мумкин.

— Яхши.

Ойсулув Ортиқов билан бирга эканлигини билган Назарнинг бутун вужудини титроқ босди. Ундан буткул кўнгли сови. Севган қизи шунчалик энгилтак, номуссиз эканлигига сира ишонгиси келмасди. Аммо ўз кўзлари билан кўргани...

Орадан кўп вақт ўтмай уйдагилар Назарни уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Буни эшитган Ойсулув унинг уйига борди.

— Сизни деб, қанчадан-қанча совчиларни қайтардим, — деди у. — Уқи, дедингиз, ўқидим. Энди бошқага ўйланмоқчимисиз? Бунга асло йўл қўймайман!

— Қандай қилиб ўқидинг? Ўз номусингни сотибми?! — қичқирди Назар чидолмай. — Йўқол, сени кўришга кўзим йўқ!

Ойсулув нима дейишини билмай хонадан отилиб чиқиб кетди. У уйига келгач, роса жанжал кўтарди. Онасини мажбуран Назарни кўришга юборди. Ҳалима опа ноилоҳ, тортинибгина уларни кўради.

— Ҳалима опа, — деди Салима ўзидан ёши анча

ди. Балки ишонмасиз, ҳозир уларнинг қаердалигини ҳам биламан. Хоҳласангиз олиб боришим мумкин.

— Яхши.

Ойсулув Ортиқов билан бирга эканлигини билган Назарнинг бутун вужудини титроқ босди. Ундан буткул кўнгли сови. Севган қизи шунчалик энгилтак, номуссиз эканлигига сира ишонгиси келмасди. Аммо ўз кўзлари билан кўргани...

Орадан кўп вақт ўтмай уйдагилар Назарни уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Буни эшитган Ойсулув унинг уйига борди.

— Сизни деб, қанчадан-қанча совчиларни қайтардим, — деди у. — Уқи, дедингиз, ўқидим. Энди бошқага ўйланмоқчимисиз? Бунга асло йўл қўймайман!

— Қандай қилиб ўқидинг? Ўз номусингни сотибми?! — қичқирди Назар чидолмай. — Йўқол, сени кўришга кўзим йўқ!

қиламан. Ойлангизни бузаман! Ойсулувнинг феълени яхши билган Ортиқов ўйланиб қолди.

Темир йўл ёқасида қўй боқиб юрган болалар бош қисми мажақланган аёл кишининг жасадига дуч келиб қолишди. Улар кўрқанларидан ўйларига югуришди ва бор гапни ота-оналарига айтишди.

Воқеа жойига етиб келган тезкор гуруҳ аъзолари жасадни диққат билан кўздан кечиришди. Жиноят қидирув бўлими катта тезкор вакили, майор Қурбонов теваракатрофни синчковлик билан кузатаркан, қизнинг ўлимига алоқадор бўлган далилий ашёларни топишга ҳаракат қиларди. У нима сабабдан ўз жонига қасд қилган? Поезд уриб кетган бўлса, тепловоз ҳайдовчиси нега бу ҳақда ИИБга хабар бермаган? Уни ўлдириб, жиноят изини яшириш мақсадида бу ерга ташлаб кетишмаганмикин? Саволларнинг кети узилмас, аммо жавоб йўқ эди. Майор Қурбоновнинг боши қотди. У суд-тиб

бий кўригининг хулосасини кутиш кераклигини англади. Шу пайт тезкор гуруҳ аъзоларидан бири Қурбоновга бир парча қоғозни узатди.

— Чўнтагидан чиқди. Балки ёрдами тегар. Қурбонов шошганча хатга кўз югуртирди: «Мен ёлгон ваъданинг қурбони бўлдим. Улимимда Собиров Назарнинг қўли бор. Бунга фақат ўша айбдор!»

Ойсулув Ниезова. Қорабулоқ қишлоғи. 27 май.

Мактуб Қурбоновни ўйлантириб қўйди. У муаммони ойдинлаштириш мақсадида темир йўл бошқармасига кўнги-роқ қилди. Аммо у ердагилар поезд тунги соат 2.30 да ўтганлигини айтишди. Марҳума эса бундан тахминан беш, олти соат бурун оламдан ўтган. Экспертларнинг бу хулосаси тезкор гуруҳ ходимларини жиддий ўйлантириб қўйди.

— Бу қизни кимдир қасдан ўлдириб, бу ерга ташлаб кетган, — деган қарорга келди майор Қурбонов. — Чунки у вафот этган пайтда поезд бу ердан ўтмаган.

— Шундай экан, теваракатрофда қандайдир из қолган бўлиши мумкин. Уни осмондан ташлаб кетишмагандир, — деди тезкор гуруҳ бошлиғи Турсунов.



Гуруҳ бошлиғининг кўрсатмаси бўйича ишга киришган изкуварлар темир йўлдан юз метрлар нарида энгил автомашинанинг изи борлигини аниқлашди. Жасадни олиб кетишадиганда қиз-

даликни олиб Ортиқовга кўрсатаркан. — Бунда ҳаммаси ёзилган. Қолаверса, Ойсулувнинг қотили ҳам сизсиз. Ўша куни поезд бўлмаган. Сиз коллежда гап-сўз бўлиш, оилангиз бузилиб кетишидан кўрқиб, уни ўлдиргансиз. Сўнгра ўз жонига қасд қилган деган фикрга боришсин, деб жасадни темир йўл ёқасига ташлаб кетгансиз. Экспертиза ўша ердаги излар сизнинг автомашинангиздан топилди. Бундан бошқа яна қандай далиллар керак?!

Ортиқов бошини чангаллаганча ўтириб қолди. Баъзи кишилардаги эҳтирос ўргимчак тўрига ўхшайди. Ҳаётнинг қувончу ташвишлари, паст-баландликларини ҳали тушуниб етмаган ёш, содда, беғумор қалб эгалари ўша алдамчи муҳаббат домига тушиб қолишади. Охир-оқибат эса ўзларининг гулдек умрларини эрта хазон қилишади. Ойсулув ҳам ота-она раъйига қарши бориб, ёшликнинг ҳоҳ-ҳавасларига учиб, севган ёрининг юзига оёқ қўйди ва бу ёруғ оламдан бевақт кетди.

— Уша қизнинг ўлимида айнан сиз айбдорсиз! — Елгон! — деди Ортиқов ўзини қўйрага жой тополмай. — Бундай дейишингизга асос йўқ!

— Бор, — деди Қурбонов ён чўнтагидан кун-




Ҳамма дард учун дори-дармон бўлар,
Бу дардни даволовчи
луқмон бўлар.
Кўнгил орзу дардига
бўлса дучор,
Даво — орзу дилга етар
он бўлар.

ДАВОЛАШДАН КўРА ОЛДИНИ ОЛТАН АФЗАЛ

«Саломатлик» саҳифасида ёритилаётган қатор мақолалар кўп сонли муштарийлар эътиборини тортаётгани тахририятимизга бўлаётган қўнғироқлардан маълум. Газетхонларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, бу гал буйрак касалликлари ҳақида сўз юритамиз. Саволларимизга мутахассислар — Республика нефрология илмий-амалий маркази шифокорлари Эркин ХОТАМОВ ва Бурхон МУНАВВАРОВлар жавоб берадилар.

БУЙРАКНИНГ ВАЗИФАСИ

Буйрак инсон организмдаги жуфт аъзо бўлиб, уларнинг вазифаси организмда модда алмашинуви натижасида пайдо бўладиган иккиламчи маҳсулотлар, яъни азот бирикмаларини (шлак) чиқариб ташлашдир. Бундан ташқари буйраклар қон таркибига кирувчи асосий унсурлардан бўлган эритроцит (қизил қон таначалари)ларнинг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутади. Буйракларда ишлаб чиқариладиган эритропротин моддаси бевосита эритроцит пайдо бўлишига таъсир қилади. Шунингдек, буйраклар организмдаги сув-тузлар мувозанатини мувофиқлаштириш билан бирга минераллар алмашинувини таъминлаб, керакли даражада тутиб туради. Инсон организмга зарур бўлган калий, натрий ва бошқа минералларнинг қондаги миқдорини бир меъёрда тутиб туриш ҳам буйракларнинг зиммасидадир.



КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бунинг учун бактериал ва вирусли инфекциялардан, совқотиш, шамоллаш кабилардан сақланиш, шўр ҳамда аччиқ таомларга ҳаддан ортиқ ружу қўймаслик лозим. Спиртли ичимликлар ичиш, тамаки маҳсулотлари чекиш кабилар ҳам буйрак касалликларини келтириб чиқаришини унутмаслик керак. Жисмоний машқлар билан мунтазам шугулланиш, пиёда юриш, ҳаракатчанлик кабилар касалликларнинг олдини олади. Асосийси эса даврий равишда ўтказиладиган тиббий кўрикдан номигагина эмас, тўлиқ ўтиш касалликнинг олдини олишдаги зарур омиллардандир.

Буйраклар инсон организмда худди шу тартибда жойлашган.



ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

● Буйраги касал беморлар ҳафтада бир марта қайнатилган буғдойни суви билан бирга истеъмол қилсалар, ўта фойдалидир.

● Ертут (ежевика)нинг йўғонроқ томирини майдалаб, идишдаги 5 литр сувга солиб, сувнинг ярми қолгунча қайнатилади. Қолган сув кунига уч маҳал 100 граммдан ичилади.

● Кулоллар ишлатадиган лой олма сиркаси билан яхшилаб аралаштирилади. Бир бўлак матога ёйилиб, кечқурун буйрак соҳасига қўйиб ётилади.

● Бир стакан арпани тозалаб, совуқ сувда бир неча марта ювилади. 5 стакан сув солиниб, паст оловда сувнинг ярми қолгунча қайнатилади. Докадан ўтказилиб, 4 қошиқ асал қўшилади ва яна қайнатилади. Илиқ ҳолда, овқатдан олдин 1 стакандан кунига уч маҳал ичилади.

● Сельдreyнинг суви сиқиб олиниб, овқатдан 30 дақиқа олдин кунига уч маҳалдан ичилади.

● Нок, турп шарбати ва уруғи буйрак тошларини туширишда қўл келади.

● Беда илдизини қайнатиб, ичилганда буйракдаги кичик тошлар майдаланиб чиқади.

● Гулхайрининг уруғи буйрак тошларини майдалаб туширади:

● Пистада буйрак тошларини майдалайдиган қувват бор.

● Петрушкани хомлигича истеъмол қилинса ёки уруғи қайнатиб ичилса, буйракдаги тош, туз кабилар тушади.

● Сабзи уруғи ҳам буйрак тошини майдалаш хусусиятига эга.

● Қора чойга сут қўшиб ичиш буйракда тош пайдо бўлишининг олдини олади.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА
тайёрлади.

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Буйраклар юзлаб майда коптокча шаклидаги моддалардан иборат бўлиб, коптокчаларнинг яллиғланиши гломерулонефритлар деб аталади. Касаллик ўткир, ўртача оғирликда ва сурункали кечади. Бундан ташқари буйрак касалликларидан сурункали пилеонефритлар (буйрак косажом тизими ва интерстициал (оралиқ) тўқимасининг инфекциян яллиғланиши), буйрак-тош касалликлари ҳамда иккиламчи нефритлар ва нефропатиялар, яъни бошқа касалликларнинг асоратлари тарзида келиб чиқадиган буйрак шикастланиши кабилар кенг тарқалган. Бу касалликларнинг келиб чиқишига бактериал ва вирусли инфекциялар, айниқса, грипп ва стрептококкли ангина, қаттиқ совқотиш, шамоллаш кабилар сабаб бўлади. Бундан ташқари, наслий мойиллик, яъни ота ёки онада буйрак касалликлари бўлса, уларнинг фарзандида ҳам бу касаллик билан оғриш эҳтимоли юқори бўлади. Касаллик келтириб чиқарувчи аломатлар омилар ҳам мавжуд бўлиб, бу буйрак мижозига «ёқмайдиган» айрим озиқ-овқатлар, шўр, аччиқ таомлар ва таркибда туз моддаси кўп бўлган сувлардир. Шунингдек, баъзан атроф-муҳит таъсиридан ҳам буйрак касалликлари келиб чиқиши мумкин.

АСОРАТЛАРИ


Касалликлар ўз вақтида аниқланиб, тўғри даволанмаганда сурункали буйрак етишмовчилиги ҳамда буйракнинг (қуриб) бужмайиб қолиши рўй беради. Бундай ҳол юз берганда буйракдаги коптокчалар кескин камайиб кетиши оқибатида буйрак ўз фаолиятини бажара олмайди, яъни организмда пайдо бўлган азот бирикмалари (шлаклар)ни чиқариб ташлолмайди. Натижада организмда сув-туз ва минераллар мувозанати бузилиб, камқонлик юзага келади.

Фарзандларимиз саломатлигини ёшлигидан назорат қилиб борсак, ҳар қандай касаллик чекиниб бораверади.

БЕЛГИЛАРИ

Буйрак касалликлари асосан бел соҳасида симиллаб оғриқ пайдо бўлиши ва пешоб ажралишининг бузилиши (пешобнинг тез-тез келиши, пешоб ажралиш пайтида ачишиш, оз-оздан сийиш, кечқурун, бемор ётганда буйраклар тинч ҳолатда бўлгани учун тез-тез пешоб қилиш кабилар) билан бошланади. Баъзи ҳолларда касаллик пайтида оёқлар ва қовоқлар шишиши, артериал қон босимининг ошиб кетиши, бош оғриб, айланиши, кўнгил айнаиб, қусиш, баъзан пешоб келмай қолиши кабилар рўй беради. Афсуски, буйрак касалликларига дучор бўлган айрим беморлар хасталикнинг таснифини аниқ билмай туриб, ўзи билганича (бел оғриғига, пешоб келиши бузилиши кабилар) дори-дармон қилиб, касалликнинг сурункали тус олишига ёки нотўғри даволаниб, оғир асорат келиб чиқишига сабаб бўладилар.

Ушбу саҳифамиз орқали яна қандай мавзудаги материалларни ёритишимизни истайсиз? Марҳамат, 59-28-41 рақамли телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин.



СИНОАТЛИ ДУНЁ БУ

*Бу дунёнинг ярми қора, ярми оқдир,
Нечун шундай — жуфтлилар аро кўплар тоқдир?
Сирли олам сирларини билмоқ эрсанг,
Жумбоқни еч, ҳаёт ўзи бир жумбоқдир.*

Сўнги пайтларда тахририятимизга мурожаат қилаётган ўқувчиларимизнинг аксарияти ўзларининг у ёки бу таклифлари билан чиқишаётгани бизни жуда хурсанд қилмоқда.

Ана шундай куюнчак мухлисларимиздан бир гуруҳи газетамиз саҳифаларида ҳаётнинг жумбоқлардан бериб боришимизни сўраган эдилар. Ушбу таклифни инobatта олган ҳолда қуйидаги жумбоқли ҳикоятларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

(Жавоблар келгуси сонда эълон қилинади).

ИШХОНАДА

Хусусий изкуварлик агентлигига ишга жойлашиш учун уч киши қабулга келди. Уччаласи ҳам ўта қобилиятли эканликларини айтишди.

Уларга синов-топшириқ сифатида бир иш топширилди. Яъни, маълум бир кутубхонадаги китоблардан бирининг 59 ва 60-бетлари орасида ашъвий далил борлигини, шуни ким биринчи бўлиб олиб келса, ишга қабул қилиниши айтилди. Ҳалиги уч йигитнинг иккитаси югурганича чиқиб кетди, учинчиси эса индамай ўтираверди. Шунда ундан нима учун қимирламай ўтирганини сўраганида у шундай жавоб қилдики, натижада уни ҳеч гап-сўзсиз ишга қабул қилишди.

Савол: У нима деб жавоб берганди?

САРТАРОШХОНАДА

Бир шаҳарда бор-йўғи иккита сартарошхона бор экан. Бир йигит сочини олдиригани борса, биринчи сартарошхона анча ифлос, ерда сочилган соч толалари, сартарошнинг эса сочлари ўсиб кетган...

Йигит иккинчи сартарошхона томон йўл олди. Бу ерда эса орасталлик, ҳамма жой чиннидек тозаланган, сартарош ҳам озода ва тоза, соқоллари чиройли қиртишланган.

Йигит ўйланиб турди-да, биринчи сартарошга сочини олдиришни маъқул кўриб, ортига қайтди.

Савол: Йигит нима учун ортига қайтди?

ОИЛАДА

Бир отанинг уч ўғли бор эди. Тўнғичи анчайин кўркам, хушторлари ҳам кўп. Ўртанчасининг эса яққаю-яғона севгани бор. Аммо кенжа ўғил жуда кўрimsиз экан.

Бир куни кенжа ўғил отасига уйланишни истаётганлигини билдирди. Ота ўйлаб-ўйлаб, фарзандларини йиғибди ва дебди: «Ўғилларим, ҳар бирингиз бир чойнақдан сув қайнатинг. Бунинг учун барчангизга бир хил шароит яратиб бераман. Кимнинг суви биринчи бўлиб қайнаса, ўшани уйлантираман».

Шарт бошланди. Биринчи бўлиб, тўнғич ўғилнинг суви қайнабди, кейин ўртанчаники, энг сўнгида кенжаотой қолиб кетибди.

Савол: Нима учун кенжа ўғилнинг суви кеч қайнади?

КЎЧАДА

Кичик бир анҳор бўйида бой ва Афанди учрашиб қолишибди. Шунда бой Афандига қарага дебди:

— Сени сеҳрга дейишади. Мен кўп пулим бўлишини истайман. Менга ёрдам бермайсанми?

— Жоним билан, — дебди Афанди. — Мана шу кўприқдан ҳар сафар ўтганингда чўнтагингдаги пул икки баробар кўпаяди. Лекин ҳар ўтганингдан сўнг менга 24 тилла беришинг керак.

Бой хурсанд бўлганича, кўприқдан уч марта ўтибди. Учинчи марта ўтиб, Афандига 24 тилла бергач, ҳамёнида бир чақа ҳам қолмаганини кўрибди.

Савол: Бойнинг чўнтагида қанча тилла бўлган?



Эркин САТТОНОВ тайёрлади.

ҚИЗЧАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 1 февраль куни Бўстонлиқ тумани ИИБ вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи ходимлари томонидан қаровсиз қолган беш ёшлардаги қиз бола олиб келинган. Қизча исмини Гулираъно, фамилияси ни Лутфуллаева, отасининг исмини Қиличбек, онасининг исмини Гулчеҳра деб айтган. Яшаш манзили ҳақида аниқ маълумот беролмайди.

Белгилари: бўйи 80-90 см, юзи думалоқ, бурни пучуқ, сочи жигарранг, калта, кўзлари жигарранг, қошлари сарғиш, сийрак.

Кийимлари: эгнига ҳаворанг комбинезон, қизил жемфер, қизил трико, оёғида қора этикча, бошида пушти ранг шапка бор.

Қизчанинг ота-онаси ёки қариндошлари Янгийўл шахридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.

Тел: (8-260) 2-40-11.



ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ИИБ Котибияти бошлиғи, полковник А. Когайга акаси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор **Владимир КОГАЙНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Котибияти шахсий таркиби Котибият бошлиғи, полковник А. Когайга акаси, истеъфодаги майор **Владимир КОГАЙНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор **Владимир КОГАЙНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ раҳбарияти ва шахсий таркиби коррупция, рэкёт ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг катта тезкор вакили, подполковник А. Атаходжаевга онаси **РИХСИХОН АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Республика ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Сирдарё вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими бошлиғи, майор Ж. Сулаймоновга волидаи муҳтарамаси **ГУЛСУМ АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма молия-иқтисод бўлими бошлиғи, майор Ж. Сулаймоновга онаси **ГУЛСУМ АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ХЧК ва ФРБ бошлиғининг ўринбосари, майор Қ. Қамбаровга онаси **БУЗАҲРО АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Республика ИИБ ЁХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ёнғин хавфсизлиги хизматининг фахрийси, истеъфодаги подполковник **Исмоил ҲАСАНОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани ИИБ томонида қуйидаги бедарак йўқолган фуқаролар қидирилмоқда.

Абдусамал Файзуллаевич ҲАКИМОВ. 1963 йилда туғилган. Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида яшаган. 2003 йил 11 сентябрда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 185-190 см, тўла гавдали, сочи қора, оқ оралаган, қошлари қора, қалин, кўзлари қора, лаби қалин, бурни япалоқсимон.

Кийимлари: эгнида «Аидас» русумли оқ, кўк йўли бор спорт шими, оқ спорт костюми, оёғида жигарранг туфли бўлган.

Алоҳида белгилари: ўнг кўзига оқ тушган, ўнг ёки чап кўлининг бармоқларидан бирида узук суратли татиуровка, ўнг ёки чап елкасида ҳам татиуровка бор, дудуқланади.

Николай Кузьмич ХУДОЙКИН. 1933 йилда туғилган. Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» ширкат хўжалиги, Ўткин кўчасида яшаган. 2003 йил 25 январь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, сочига оқ оралаган, кўзлари мовий, қоши сийрак.

Кийимлари: эгнида кўк рангли костюм, жигарранг свитер, бошида жигарранг кепка, оёғида калиш бўлган.

Алоҳида белгиси: ўнг кўлининг тирсагида куйгандан қолган 20 см катталикда чандиқ бор.

Салима Араббоевна АБДУЛЛАЕВА. 1966 йилда туғилган. Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» ширкат хўжалиги У. Юсупов кўчаси 6-уйда яшаган. 2004 йил 22 февраль куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, озгиндан келган, сочи 15-20 см узунликда, қошлари қора, кўзлари қора, оғзи катта, лаби ингичка, қулоғи ёпишган.

Кийимлари: бошида гулли яшил ранг рўмол, эгнида жигарранг халат, сариқ рангли кўйлак, оёғида калиш бўлган.

Алоҳида белгилари: чап ёки ўнг кўзи атрофида 0,5 см катталикда туғма доғ бор, руҳий касал.

Зауре Усеровна ДАНИЯРОВА. 1970 йилда туғилган. Қуйичирчиқ тумани «Дўстлик» ширкат хўжалиги, Мамут қўрғонида яшаган. 2002 йил 1 сентябрда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, озгиндан келган, сочи қора кесилган, қошлари ингичка, кўзлари қора, лаблари ингичка.

Кийимлари: эгнида тўқ кўк рангли кофта-юбка, оёғида қора туфли бўлган.

Алоҳида белгиси: ўнг юзининг лунж қисмида 0,5 см катталикда туғма доғ бор.

Воҳидилла Эргашевич АМИРОВ. 1966 йилда туғилган. Қуйичирчиқ тумани Улугбек номли ширкат хўжалиги Галаботир қўрғонида яшаган. 2002 йил март ойининг охирларида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, озгиндан келган, сочлари қора, қошлари қора, қалин, кўзлари кўк, оғзи катта, шалпангқулоқ.

Кийимлари: эгнида қора костюм, жинси шим, оқ кўйлак оёғида занжирли қора этик бўлган.

Алоҳида белгилари: ўнг ёки чап иягида чандиқ бор.

Ракия Рафиковна САМУРОВА. 1976 йилда туғилган. Қуйичирчиқ тумани Отажонов номли ширкат хўжалиги А. Султон кўчаси 33-уйда яшаган. 2003 йил октябрь ойи бошларида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, озгиндан келган, сочлари сарғиш, қошлари қора, ёйсимон, кўзлари катта, жигарранг, оғзи катта, лаблари қалин.

Кийимлари: эгнида жигарранг водолазка, қора юбка, қора костюм, оёғида жигарранг туфли бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Келди очилур чоғи!



МУЛОҲАЗА

Халқимизда «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар» деган нақл бор. Унинг маъини чақсангиз, бу доно ибора кейинги пайтларда ёмғирдан кейинги кўзиқориндай кўпайиб бораётган айрим ёш хонандалар учун айтилгандай. Бугунги кунда санъатни, кўшиқ ва кўшиқчиликнинг моҳиятини тўла тушуниб етмай санъаткорликка, тўғрироғи, таниқли бўлиш ва машҳурликка даъвогар хонандаларимиз ижодига назар солсак бу доно нақл эса тушади. Уларнинг Комилжон Отаниёзов, Ўлмас Саиджоновдай эл суйган ҳофизлар Ботир Зокировдай эстрада санъатининг беназр намоёнлари чиққан саҳналарни «майнавозчилик» майдонига айлантираётгани кишининг гашига тегади. Тўғри, инсон ҳаётда ўз орзу-умидларини рўёбга чиқаришга интилиб, курашиб яшайди. Бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди, монелик ҳам қилмайди, албатта. Аммо айрим ёш истеъдод соҳибларининг кўшиқчиликка бўлган ҳаваси бугунги кунда ўзини оқламаётгандай. Негаки, кўшиқ юракдан чиққандагина қалбларга чуқур кириб боради. Инсонни ларзага солувчи, чинакам

кўнгиладарди ва овоз сеҳридан яралгандагина у ҳақиқий кўшиқ бўла олади. Демак, хонандага биргина ҳавасдан ташқари чинакам истеъдод, юқори савия, етарли сабоқ ва билим, энг муҳими иштиёқ керак бўлади. «Ўтган кунлар» фильмини олайлик, машҳур ҳофиз Муроджон Аҳмедов

«УСТОЗ КЎРМАГАН ШОГИРД...»

Машрабнинг «Ўртар» номли газали билан айтиладиган кўшиқни шу қадар маромига етказиб куйлайдики, мусиқанинг, ҳофизнинг майин, сирли ва дардли хонишидан ёшнинг ҳам, кексанинг ҳам бутун вужуди ларзага келади. Мана сизга ҳақиқий санъат, истеъдод ва маҳорат.

Бугунги кунда ёш санъаткорларнинг ҳаммаси савиясиз, улар орасида ҳақиқий истеъдод йўқ дейишдан ҳам мутлақо йироқмиз, албатта. Аммо санъат, кўшиқ ва саҳна тушунчаларини ўзининг шунчаки ҳаваси йўлига солишдан уялмайдиغانлар ҳам бор десак хато бўлмас. Тўғри, ҳақиқий истеъдод ҳар замон, ҳар

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат учун телефон: 139-73-88
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz

мақонда ҳам ўз қадрини топади, аммо эшитганингда асабларинг қақшайдиган даражада мантиқсиз, маъносиз ва тутуриқсиз кўшиқлар-чи? (агар кўшиқ дейиш мумкин бўлса). Фикримиз исботи учун бир мисол келтирайлик. Кўпчилигимиз таниб улгурган бир хонанда куйлапти (Д. Эргашев). Кўшиқдаги сўзлар куйидагича, «Мен ўрисчани чўтки биламан» ёки «Мен сени очень люблю». Мана шу икки жумлани нима деб изоҳлаш мумкин? Ўз она тилига бўлган ҳурмат, эътиборига, қолаверса, унинг оқсоқ, мажруҳ маънавий қиёфасига ачиниб кетасан киши. Яна бир гуруҳнинг «Нет проблем» деб номланувчи кўшиғидаги сўзлар тушунарсиз, ғализ ва кулгули. Негаки, ярми русча, ярми ўзбекча, усули эса хорижча. Саҳнада «ўзини кўрсатаётган» санъаткорларнинг кийиниши ва хатти-ҳаракатини тасвирлашга сўз ожиз. Айтинг-чи, эндигина дунёқараш шаклланиб келаётган ўтиш давридаги ўсмир ёшларга бу ҳолат қандай таъсир кўрсатиши мумкин.

Муаллифининг тайини йўқ «жайдари, замонавий» тўртликдан иборат «кўшиқ» ёшларнинг савиясини пасайишига, саёзлашиб кетишига кўмаклашмасмикан?! Нафақат ёшларга салбий таъсир кўрсатади, балки ҳаммининг кўнглини беҳузур қилади, асабини эговлайди. Афсуски, бундай ночор ва қашшоқ кўшиқлар эфирда кўпайиб борапти. Тўғрироғи, «Сезам» «Гранд», «Водий садоси» сингари радиоканаллар бундай «хонишлардан» баҳраманд бўлишимизда «беминнат» хизматларини аямаяпти. Бу эса ёшларимиз дунёқарашига, фикрлашига салбий таъсир қилапти десак янглишмаймиз. Чунки телевизор, радио барчамизнинг, айниқса, ёшларнинг доимий ҳамроҳи. Бизнингча, бу масалага жиддий эътибор бериш вақти етди. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Умида БОЛЛИЕВА.

ЦИКЛОКРОССВОРД

1. Посбон назорати остидаги жой. 2. Жиноятнинг оқибати. 3. Миллат. 4. Обру. 5. Зурриёт. 6. Фарғона вилояти шаҳри. 7. Сеҳр. 8. Оҳанг. 9. Пиллапоя. 10. Хўл мева. 11. Француз адиби. 12. Рақамли ўйин. 13. Садоқат. 14. Экинзор майдон. 15. Ўқув машғулот. 16. Давлатнинг ўзга бир давлатга мурожаатномаси. 17. Ҳаёт учун зарурий модда. 18. Ипмат. 19. Пойтахти Ломе шаҳри бўлган Африка ғарбидаги давлат. 20. Ўзини бағишлаш. 21. Кўчманчи халқ. 22. Мусиқали санъат. 23. Вужуд. 24. Рўзгор буюми. 25. Волга ирмоғи. 26. Паррандалар тўдаси. 27. Тоғлар орасидаги жарлик. 28. Оптик шиша. 29. Бурж. 30. Мактуб. 31. Бразилия футболчиси. 32. Маркази Йошкар-Ола ҳисобланувчи маскан. 33. Гул. 34. Франция автомобилли маркаси. 35. Футбол қироли. 35. Фафур Гуломнинг фалсафий шеъри. 37. Қадимги юнон маъбудаларидан бири. 38. Камёб жануб куши. 39. Авто-

мобиль қисми. 40. Театр залидаги алоҳида жой. 41. Ўзбек халқ мақоми. 42. Туркия пул бирлиги. 43. Шариат қонунлари бўйича иш юритган амалдор. 44. Ақл-идрок соҳибларига берилган китобий атама. 45. Кимсага нисбатан дилда сақланган кек. 46. Африкадаги юрт. 47. Кучли ёғин. 48. Қон томири. 49. Электр токини маълум ўзгариш туфайли узадиган ёки улайдиган асбоб.

КРИПТОГРАММА

Калит сўзлар: 1. Давлат рамзи – 13,10,4,14.
2. Енгил атлетика анжومي – 7,3,8,6
3. Рангли, қайишқоқ металл – 15,1,17,1,12.
4. Сўзлашув, суҳбат – 11,9,17,2,15,2,5.
5. Ёғду – 16,9,4.

Энди калит сўзлар жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган икки мисра ҳикмат ва унинг муаллифини билиб олинг.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

2	7	1	11	3	12	13	1	8	1	14	4	9	15	1
16														16
12		1		2		3		4		5		6		7
3														1
11		8		9		10		11		12		13		14
3														5
8		15		16		17		18		19		20		21
2														10
15		22		23		24		25		26		27		28
6														4
6		29		30		31		32		33		34		35
1														6
4		36		37		38		39		40		41		42
10														8
6		43		44		45		46		47		48		49
15														7
5	1	2	5	17	3	5	1	7	2	4	3	9		15

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:
ЭНИГА: 1. Мактаб. 5. Нигрол. 10. Оҳанг. 11. Аскар. 12. «Авазхон». 13. Аттор. 14. Афсу. 15. Автомат. 18. «Юрак». 20. Апра. 23. Марра. 24. Адиба. 25. Атама. 26. Атлас. 27. Зебу. 30. Уран. 33. Гуревич. 35. Бедил. 36. Раста. 37. Евтерпа. 40. Аграр. 41. «Школа». 42. Омалди. 43. Маврак. БҮЙИГА: 2. Адаптер. 3. Тўгарак. 4. «Бета». 5. Нарх. 6. Граната. 7. Оркестр. 8. Роҳат. 9. Арена. 16. Трактор. 17. Мирзаев. 18. Юлдуз. 19. Асбоб. 21. Ротор. 22. Армон. 28. Елдириш. 29. Углерод. 30. Учрашув. 31. Аксиома. 32. Ибрат. 34. Қадам. 38. Тери. 39. Раҳм.
КРИПТОГРАММА
ОЧҚИЧ СЎЗЛАР: 1. Йил. 2. Куюшқон. 3. Эмбарго. 4. Стадион. 5. Зеҳн. Ҳикмат: Одам эрсанг ташқи суратга берма деб, она юртингни ҳамини айла зеб.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятида-миз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгироқ қилинг!

Телефон: (371) 139-73-88

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса куйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib v.b. Erkin SATTOROV

Navbatchi: Qobiljon Shokirov
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev
Nikifor Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari: 132-24-60.
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipaq yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyat-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2060. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 56069 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.